АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил 26 НОЯБР сешанба № 47 (303) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Bizning sharh

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

21-22 ноябр кунлари Чехия пойтахти Прага шаҳрида НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммити бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди. Мамлакатимиз раҳбари Прага сафари олдидан журналистларга берган интервьюсида Ўзбекистон жамики тараққийпарвар давлатлар ва ташкилотлар, шу жумладан, НАТО билан ҳам тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик қилиш, дўст бўлиш тарафдори эканини таъкидлади. Бу муносабатлар бир-бирини тушуниш, бир-бирига кўмаклашиш ва ўзаро тенг ҳамкорликка асосланганлиги боис мамлакатимиз келажагида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумот учун айтадиган бўлсак, НАТО — Шимолий атлантика шартномаси ташкилоти 1949 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида ушбу ташкилот фаолияти Европа қитъасида турли хил можароларни тийиб турувчи омил вазифасини ўтади. Шимолий Атлантика альянси бугунги кунда янги вазифаларни бажаришга киришди. Бунинг натижаси ўлароқ ўз сафига янги аъзоларни жалб этиб, демократия йўлини танлаган янги минтақалар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Айни пайтда НАТО умуминсоний қадриятлар, демократия йўлидан собит бораётган давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги учун хизмат қиладиган халқаро институти ҳисобланади. Бу эса альянснинг энди сиёсий ташкилот сифатида обрў-эътибор қозонаётганининг далолатидир.

НАТО ҳақида сўз юритган Президентимиз Ислом Каримов шундай деди: "**Дунёнинг 19 та демократик, тараққий топган давлати аъзо бўлган ушбу халқаро ташкилотни муросасизликда айблаш нотўғри. Буни НАТОга кирган давлатлар қандай мамлакатлар, деган савол асосида англаса бўлади. Уларнинг бирортаси Европа тупроғида уруш бўлишидан манфаатдор эмас. НАТОнинг кимларгадир хавфли кўриниши ажабланарли ҳол. Агар ушбу альянс чиндан ҳам хавфли бўлганда, у Шарққа томон кенгаймаган, қанча-қанча давлатлар эса унга аъзо бўлишни сабрсизлик билан кутмаган бўлар эди."**

НАТО билан ҳамкорликдан қандай манфаатимиз бор? Нима учун ушбу ташкилот билан алоқаларни мустаҳкамлашга қизиқиш билан қараяпмиз? Нега НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида фаол қатнашяпмиз? Бу каби саволларга Президентимиз қуйидагича жавоб берди: **"Прага саммитида иштирок этишдан мақсад, авваломбор, Ўзбекистон олиб бораётган сиёсатни чуқур тушунтириб бериш ва шу орқали ўз манфаатларимизга мос келадиган масалалар бўйича кўмак топиб, ўз тинчлигимиз, хавфсизлигимизни таъминлаш учун НАТОнинг кўмаги ва имкониятларидан фойдаланиш десак, тўғри бўлади".**

Ҳақиқатдан ҳам, 2001 йилнинг 11 сентябр фожиаси ва ундан кейинги воқеалар ривожи бирон-бир давлат терроризм хавфидан кафолатланмаганини яққол кўрсатди. Таъкидлаш жоизки, Прага саммити ҳам сўнгги бир ярим йил мобайнида чиқарилган хулоса ва сабоқлардан келиб чиққан ҳолда НАТО томондан кўрилаётган амалий фаолиятнинг ёрқин намунасидир. Аниқроқ айтганда, дунёда туб бурилишлар рўй бераётган бир пайтда Шимолий атлантика иттифоқи ҳам ислоҳот ва янгиланишларга юз тутаяпти. Хусусан, Прага саммитида Европанинг яна еттита давлати — Литва, Латвия, Эстония, Болгария, Руминия, Словения ва Словакия Шимолий атлантика альянсига аъзоликка таклиф этилгани бу альянснинг қамрови ва таъсир доирасини янада кенгайтириши шубҳасиз. НАТОга аъзо мамлакатлар раҳбарлари томонидан бу ташкилотнинг ҳарбий тузилмаларини ислоҳ этиш бўйича қабул қилинган қарори мазкур саммитнинг муҳим якуни бўлди. Зеро, тез ҳаракатланувчи бирлашган кучларни ташкил этиш ва унинг салоҳиятини янада ошириш долзарб масала — терроризм таҳдидини бартараф этишда қўл келадиган омиллардан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг Прага саммитида сўзлаган нутқи анжуман иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан эшитилди. Эътиборли жиҳати шундаки, Президентимиз Ислом Каримовга ҳатто НАТОга аъзо мамлакатлар етакчиларидан ҳам олдин сўз берилди. Бу ҳол ҳеч кимни ажаблантирмади. Зеро, Президентимизни жаҳон ҳамжамияти ташаббускор ва долзарб масалаларни чуқур англайдиган, етилиб келаётган глобал хавфларни олдиндан илғайдиган давлат арбоби сифатида яхши танийди.

Президентимиз бу гал ҳам нуфузли минбардан туриб, саммитда кўрилаётган масалалар юзасидан Ўзбекистон позициясини баён қилди. Шунингдек, минтақамиз ва дунё тақдири билан боғлиқ муҳим таклифларни ўртага ташлади.

Хусусан, Прага саммити қарор ва келишувлари юзасидан Ўзбекистон қарашларини шундай изоҳлади: **«Биз НАТОга янги аъзолар таклиф этиш, унинг таркибига кирмайдиган мамлакатлар, аввало, Россия билан сифат жиҳатдан янги муносабатлар ўрнатиш, шунингдек, НАТО тузилмаларини хавфсизликка нисбатан янги таҳдидларга мослаштириш ва ўзгартириш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга оид қарорларни қўллаб-қувватлаймиз"**.

Давлатимиз раҳбари минтақамиздаги хавфсизлик ҳақида ҳам сўз юритиб, ҳозирги вазият бир йил аввалги ҳолатдан жиддий фарқ қилишини қайд этди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Афғонистондаги босқинчи ва террорчи кучлар томонидан содир этилаётган қўпорувчилик хуружлари ва ҳудудимизга бостириб кириш таҳдидидан қутулди.

Бироқ Афғонистон ҳамда унинг чегара ҳудудларидаги мураккаб вазият тўлиқ барҳам топгани йўқ. Афғон заминида ҳали кўплаб муаммолар мавжуд. Бу юртда қуролсизланиш, миллий армия ва давлат бошқарувини шакллантириш, умуман, тикланиш ишларини жадал давом эттириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Шуларни умумлаштириб, Президентимиз Ислом Каримов муҳим бир хулосани ўртага ташлади: "**Бутун халқаро ҳамжамият Афғонистон ўн йиллар мобайнида турли тоифадаги ақидапарастлар, экстремистлар ва террорчилар учун полигонга айланганини бефарқ кузатиб келди. Афғонистоннинг бу аянчли тажрибаси, аввало, шундан далолат берадики, замонавий тараққиёт учун энг хавфли таҳдид бўлган террорчилик балоси оқибатларига қарши курашиш уни юзага келтирадиган сабабларни ўз вақтида бартараф этишдан кўра қийин ва мураккаброқдир. Шу нуқтаи назардан, АҚШнинг жаҳоннинг бошқа минтақаларида, хусусан, Ироқда воқеаларнинг бундай салбий тус олишига йўл қўймасликка интилиш борасидаги қатъий ва изчил позицияси қўллаб-қувватлашга муносиб".**

Шунингдек, Президентимиз саммит иштирокчиларининг эътиборини наркобизнес ва наркотрафик таҳдиди бораётгани ҳамда шу манбалар терроризмни озиқлантириб турганига қаратди. Афғонистонда гиёҳванд моддалар етиштириш кўпайгани унга қарши жиддий чоралар кўришга ундайди. Муҳим транзит йўлаги бўлган Марказий Осиё минтақасида эса бу таҳдидга қарши қўйиш мумкин бўлган чора-тадбирлар мувофиқлаштирилмаган. "**Менимча, ушбу тарқоқ дастурлар ўрнига, аввало, мазкур даҳшатли манбаларини бартараф этиш ва минтақада "хавфсизлик камарини" шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини яратиш керак. Ягона марказдан бошқариладиган аниқ, қатъий, пухта ўйланган профилактика ва огоҳ этувчи чора-тадбирлардан иборат бу тизимни ташкил этиш заруратини эса исботлашга ҳожат йўқ", деди давлатимиз раҳбари.**

Хуллас, НАТО билан муносабатлардан мақсад минтақамизда тинчлик ва барқарорлик бўлишини, халқимизнинг фаровон ҳаётга эришишини таъминлаш экани бугун барчага аён. Ҳозирда ўзаро ҳамкорлик ҳарбий ва илмий-техникавий соҳаларда кенгайиб бормоқда. Президентимиз Прага саммитидаги маърузасида Ўзбекистон-НАТО муносабатларининг истиқболли асосий йўналишларини ҳам кўрсатиб ўтди: **«Биз НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши билан демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, экологик хавфсизликни кучайтиришга кўмаклашиш масалалари бўйича ҳамкорлигимизнинг реал истиқболларини кўриб турибмиз".**

Ўзаро алоқаларнинг муҳим йўналишларидан бири — Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш бўйича ҳамкорликдир. Агар бугунги кунда террорчилар кимёвий, биологик, ядровий қуролларини қўлга киритишга интилаётгани ҳисобга олсак, бу ҳам ҳамкорликнинг муҳим ва долзарб соҳаси экани ойдинлашади. Президентимиз Ислом Каримов маърузасида халқаро терроризмга қарши фақат ҳамжиҳатликда курашиш мумкинлигини яна бир бор таъкидлаб, бугун бу курашда кўп нарса ҳар бир давлатнинг бу жараёнга нечоғли фаол иштирок этишига боғлиқ эканини айтди: **"Ўзбекистон бундан буён ҳам НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши тузилмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзининг собит йўлига амал қилаверади ҳамда хавфсиз ва барқарор дунёни шакллантириш ишига ўз ҳиссасини қўшаверади».**

Хулоса сифатида айтсак, мамлакатимиз Президентининг Прага саммитидаги иштироки Ўзбекистон ҳам, НАТО ҳам ўзаро муносабатларининг мустаҳкамланиши ва кенгайишидан манфаатдор эканини намоён этди. Муносабатларининг янги соҳалар ҳисобига кенгаётгани эса, Ўзбекистоннинг НАТО билан тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлиги келгусида ҳам изчил давом этаверади, дейишга тўлиқ асос бўлади.

Мадамин САФАРОВ,
журналист



Буюк келажакка элтувчи йўллар. Қамчиқ довони.

Президент Ислом Каримов Чехия пойтахти Прага шаҳрида бўлиб ўтган НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этди.

* * *

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги воягa етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт-соғломлаштириш мажмуасида республика ноозиқ-овқат товарлар улгуржи ярмаркаси очилди.

* * *

Олий суд биносида "Одил судлов — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Тошкент давлат юридик институтида "Ўзбекистон Республикаси конституцияси — бугун ва истиқбол"-мавзусида талабалар анжумани ўтказилди.

* * *

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

* * *

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Японияннинг дунёга машҳур "SONY" корпорацияси маҳсулотларининг кўргазмаси очилди.

* * *

Темурийлар тарихи давлат музейида Яҳё Ғуломов номидаги республика илмий семинарининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Qonun ko`magi

ЕР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Сира ўйлаб кўрганмисиз: айтайлик, туппа-тузук фермерлик фаолиятини давом эттириб келаётган деҳқон билан раҳбар ўртасидан кутилмаганда, "ола мушук" ўтиб қолса, нима бўлади?

Аввало, оқил раҳбар иш шунгача етиб боришига йўл қўймайди. Чунки у ҳар бир ишга қонун нуқтаи назаридан ёндашади. Зеро, унинг зиммасидаги масъулият, бурч шуни тақозо этади.

Бироқ ҳаётда узоқни кўра олмайдиган, зиммасидаги масъулиятни унутиб қўядиган айрим раҳбарлар ҳам учрайдики, уларнинг ана шу хатоси кўпдан-кўп оворагарчилик, асаббузарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ана шундай раҳбар ғаразли мақсадда иш тутса, фермернинг иши олға силжимайди, ерининг баракаси қочади. Уйқусининг ҳаловати, тинчи йўқолади.

Албатта, ҳоким туманда биринчи раҳбар. У ўнлаб фермерлар фаолиятига бевосита масъул. Лекин уларнинг биронтаси билан тортишиб қолса, сен зўрми, мен зўрми қабилида ўйламай-нетмай иш тутса, табиийки, бунинг оқибати яхшилик билан тугамайди.

Энг асосийси, шуни унутмаслик керакки, бугунги кун тадбиркори кечаги инсон эмас, у ҳақ-ҳуқуқини тиклаш учун чопади, ёз-ёз қилади. Амалдаги қонунларни билса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилиб, ҳақини талаб қилади.

Бандихонлик "Шуҳрат" медали соҳиби фермер Шерали Нормуродов саккиз йилдан буён деҳқончилик билан шуғулланади. У ўзига биркитилган 106 гектарлик майдонда галла ҳосили етиштириб, баҳоли қудрат белгиланган режаларни, шартнома шартларини бажариб келаётган эди. Ўтган йилнинг декабр ойида, қишнинг қаҳратон совуғидек нохушлик унинг даласига чўқди. Шундан сўнг фермернинг кўнглидан ҳузур-ҳаловат, хотиржамлик кўтарилди. Гап шундаки, Бандихон туман ҳокими У.Чўтбоев «ҳе» йўқ, «бе» йўқ, фермерга қарашли ер майдондан 33 гектар ерни ўзининг 2001 йил 13 декабрдаги 352-сонли қарори билан "Дўстлик" деҳқон фермер хўжалик уюшмасига ўтказиб берди.

Табиийки, фермер бу ноҳақликка қўлини қовуштириб, жимгина қараб туролмади, у туман ҳокимининг бу қароридан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига ўз ҳуқуқини тиклашга ёрдам беришни сўраб ариза ёзади.

Албатта, фермер бундай қарорга келишишдан олдин зора инсофга келиб қолармикин, деган ўйда бир неча марта ҳоким ҳузурига бориб, ерни қайтариб беришни илтимос қилади. Қараса, илтимослари худди сувга отилган тош каби беиз кетмоқда. Охири у нажот излаб адлия бошқармасига келди.

— Ҳокимимиз еримни ноқонуний олиб қўйди. Уни қайтариб олишда сизларнинг ёрдамингиз зарур, — дея фермер мурожаат қилди.

Буёқда денг ҳоким ҳам қараб турмади. У фермер тегишли идораларга мурожаат қила бошлагач, айбини тузатиш ўрнига масалани баттар чувалаштириб юборди. Жумладан, ҳоким ўзининг 2001 йил 19 декабрдаги 367-қарори билан 33 гектарлик ер майдонини "Жасур А.Ж.Г.Д" номидаги янги ташкил этилган фермер хўжалигига олиб берди.

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари ҳоким билан фермер ўртасига оралаб қолган "ола мушук" можароларини синчиклаб ўрганишиб, тўпланган барча расмий ҳужжатлар асосида оқни оқ, қорани қорага ажратиш мақсадида шу йилнинг феврал ойида фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судига даъво аризаси киритди. 2002 йил 15 март куни ўтказилган суд мажлисида даъво ариза атрофлича кўрилиб, 33 гектарлик ер майдонини "Нормурод" фермер хўжалигига қайтариш ва туман ҳокимининг юқоридаги қарорини бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Бир қарашда, адолат қарор топган, ҳаммаси ўз ўрнига тушгандек эди.

Бироқ ҳоким адолатни тикланишини «ҳазм» этолмади. У суд қароридан норози бўлиб, ишни қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Унинг бу талаби ҳам эътиборсиз қолмади. Шу йилнинг 29 сентябр куни мазкур фуқаролик иши Қумқўрғон туман судида бошқа суд таркибида қайта кўрилиб чиқилди. Ва иш яна "Нормурод" фермер хўжалиги фойдасига ҳал бўлди.

Фақат ўртадаги "оламушук"ни олиб ташлаш учун қарийб бир йил ҳоким билан фермер ўзаро "кураш"ди, холос...

Бугун адолат тикланди, Бу, албатта, яхши. Лекин масаланинг кишини ўйлантирадиган жиҳати шундаки, бу можародан ким наф кўрди-ю, ким зарар кўрди?

Ҳамма гап ана шунда. Ўн ойлик юғур-юғур, асаббузарлик, «сен зўрми, мен зўрми» қабилидаги ўзаро тортишувлар фермернинг ишига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Асаблар таранглашди. Қонунлар бузилди. Бу машмашалар юз бермаслиги, иш судгача етиб бормаслиги ҳам мумкин эди. Бунинг учун фақат фермерга тўғри кўз билан қаралса, қонун устуворлиги мавжуд бўлса, етарли эди. Албатта, бугун адолат қарор топди. Бу воқеа моҳият-эътибори билан яна бир марта бугун ҳақ кишининг сўзи кўчада қолиб кетмаслигини исботлади.

Отабек НОРБОЕВ,
ҳуқуқшунос

"ИНСОН ва ҚОНУН"га

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг 2002 йил 24 сентябрдаги сонида Ангор туман марказий шифохонасидаги ҳолатлар бўйича чоп этилган "Давога муҳтож беморхона" сарлавҳали танқидий мақоласида кўрсатилган далиллар ўрганиб чиқилди. Шунингдек, бу мақола юзасидан туман марказий шифохонаси ходимлари ва вилоят соғлиқни саклаш бошқармаси ҳайъат йиғилишида барча туманлар бош врачлар иштирокида муҳокама бўлиб ўтди. Мақолада кўрсатилган камчиликлар қисман тасдиғини топди ва бошқарма ходимлари хизмат текшируви ўтказди. Текширув натижаларига кўра, туман марказий шифохонасининг 2001 йил 19 июндаги 911-Л-сонли буйруқ бекор қилиниб, 2002 йил 11 октябрдаги 1802-Л-сонли буйруғи билан Д.Шопўлатова ўз вазифасига тикланди. Унга бекор юрган даври учун бир ставка миқдорида иш ҳақи тўланиши белгиланди. Мақолада қайд этилган камчиликларга йўл қўйгани учун бош ҳаким муовини А.Кудратов, шифохона кадрлар бўлими бошлиғи А.Тўрақуловаларга ҳайфсан берилди. Бош ҳаким Э.Воситовга ушбу ҳолат юзага келишида йўл қўйган хато-камчиликлари тушунтирилди ва уларни бартараф этиш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасининг бажарилишини тўлиқ таъминлаш вазифаси юклатилди.

К. ТЎЛАЕВ,
Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини

* * *

Вилоят прокуратураси томонидан газетанинг 24 сентябрдаги сонида чоп этилган "Одамлар нега шикоят ёзади?" сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, фуқаро Д.Боймуродова Пастдарғом тумани сил касаллиги диспансерига 1998 йил 18 май куни туман марказий шифохонаси бош ҳакимининг 39-К-сонли буйруғига асосан 0,5 ставка лаборант лавозимига тайинланган. У 2002 йил 23 июль куни марказий шифохона бош ҳакимининг қабулида бўлиб, 0,5 ставкали ишидан бир ставкага ўтказиш ҳақида оғзаки мурожаат қилган. Бош ҳаким томонидан Д.Боймуродовага яна 0,5 ставка навбатчиликка иш берилиши таклиф этилган. Бироқ Д.Боймуродова бунга рози бўлмаган.

2002 йил 7 ноябрь куни туман марказий шифохонаси бош ҳакимининг 140-сонли буйруғига асосан Д.Боймуродова туман сил касалликлар диспансерида бир ставка лаборант лавозимига ишга тайинланган бўлиб, ҳозирда у ҳеч кимга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилган.

И. ОЧИЛОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Konstitutsiya va biz

ТАДБИРКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституциямизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулклар ташкил этиши, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза қилиниши, шунингдек, хусусий мулк ҳам бошқа мулклар қаторида дахлсиз бўлиб, давлат ҳимоясида эканлиги кафолатланган. Бунинг натижаси ўлароқ, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг тараққиёти ва самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиш давлатимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта тадбиркорлик тараққиётини қуйидаги рақамлар мисолида кўриш мумкин:

	1999 йил	2000 йил	2001 йил	2002 йил (9 ой)
Ўрта ва кичик тадбиркорлик соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши	29,1	31,0	33,8	33,6
Ўрта ва кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сони (юридик шахслар)	159719	182963	201887	231554
Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши	12,6	13,1	14,6	15,3
Якка тартибдаги тадбиркорларнинг умумий сони	130250	175012	221451	251900
Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши	16,5	17,9	19,0	18,3

1994 йил 21 январ куни эълон қилинган "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янги босқичга кўтарди. Ушбу фармонда биринчи маротаба ер участкаларни жисмоний ва юридик шахсларга хусусий мулк сифатида сотишга рухсат берилди. Бундан ташқари, фуқароларнинг товарлар келтириши ва ички бозорни тўлдиришни таъминлайдиган хусусий тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилиши белгиланди. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома (лицензия) ларни бериш ваколатига эга бўлган давлат бошқарув идоралари муайян тизимга солингани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу ўринда 1995 йил 5 январ куни эълон қилинган "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги Президент Фармони ва шу фармон ижросига оид Вазирлар Маҳкамасининг "Хусусий тадбиркорликка ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ҳам таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳужжатларнинг муҳим жиҳатлари шундаки, уларга тадбиркорларнинг ички хўжалик фаолиятига (қонунларда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари) аралашишга йўл қўймаслик, хусусий корхоналарнинг қонунларда кўзда тутилган ҳужжатлари улар жойлашган ҳудуддаги ҳокимиятга топширилгандан кейин уч кун муддат ичида белгиланган тартибда давлат томонидан рўйхатга олиниши қатъий белгилаб қўйилди.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг амалга киритилиши тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг ягона тизимини вужудга келтирди.

Натижада кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий асослари анча мустаҳкамланди. Уларни рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинди. Тадбиркорлар учун солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботлар топшириш тизими соддалаштирилди ва бир хил ҳолатга келтирилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини оширишга қаратилган қулай шарт-шароит яратилди. Бу тоифадаги тадбиркорлик субъектларига имтиёзли ва микрокредитлар ажратиш йил сайин ўсиб бормоқда. 2001 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2,4 мартадан кўпроқ ошди. Уларнинг 70 фоизига яқини ўрта ва узоқ муддатли эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу каби кўпдан-кўп қулайликлар туфайли ҳозирда мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 53 фоизи кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

Кўриниб турибдики, Конституциямизда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар ҳаётий бўлиб, тадбиркорлар, хусусан, кичик ва ўрта бўғин тадбиркорлик вакилларининг ҳам манфаатларига тўлиқ мосдир. Шу маънода бош қомусимиз бўлган мамлакатимиз Конституциясини тадбиркорлик тараққиёти гарови десак, асло хато эмас. Зеро, унда мамлакат тараққиётининг муҳим шарти — тадбиркорлик фаолияти тўлиқ кафолатланган.

Х. ҚЎЛДОШЕВ,
тадқикотчи

Mulohaza, mushohada, tahlil

ПУДРАТЧИНИНГ ЕЛКАСИГА ОҒИР ЮК БОСИШДИ

АММО ЎЗЛАРИГА КЕЛГАНДА БЕПАРВОЛИККА СОЛИШДИ

Аввалдан айтиб қўяйлик: биз кимнингдир юзига қора чаплаш, номини ёмонотлиққа чиқариш фикридан мутлақо йироқмиз. Бу фикрларни қоралашдан мақсадимиз шуки, адолат тарозиси тенг бўлиши кераклиги, қонунлар олдида у раҳбарми, оддий ишчими — қатъи назар, алоҳида имтиёзга эга эмаслиги, ҳамма баб-баравар эканини яна бир карра эслатиш, холос. Чунки мамлакатимизда Конституция ва қонун устувор бўлган ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётган экан, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Фуқаро Абдулла Абдураҳимов Ургут туманининг Сариқтепа қишлоғида истиқомат қилади. У Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалигининг 2-бригадасида яқин қариндошлари билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг янгича усулларидан бири — оила пудрати асосида ишлайди. Абдулла Абдураҳимовнинг яқин қариндошлари Жасур Абдураҳимов, Чиннигул Юсупова, Сайёра Ҳайдарова, Дилором Халиловаларнинг ширкат хўжалиги билан оила пудратчиси ўртасида шартномалари бор.

Аммо ҳамма гап шундаки, хўжалик 2001 ва 2002 йилнинг ўтган ойлари иш ҳақларини пудратчиларга тўламаган.

Абдулла Абдураҳимов ва бошқалар хўжалик бошқарувига қайта-қайта мурожаат қилишса-да, иш ҳақларини олишолмаган. Шундан сўнг юқори ташкилотга арз қилинган. Ушбу ариза-шикоятни мазмунан ўрганиб чиққан вилоят адлия бошқармаси А.Абдураҳимов ва бошқаларнинг 2001-2002 йилларда тўланиши лозим бўлган иш ҳақлари ва уларга етказилган маънавий зарарни ундиришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судига даъво аризаси киритади.

Фуқаролик суди А.Абдураҳимов ва бошқалар фойдасига қарздор — Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалигидан 600 минг 23 сўм иш ҳақи, бошқарув раиси Ибодулла Ҳақбердиев ва бош ҳисобчи Баён Юсуповлардан етказилган 293 минг сўм миқдорида маънавий зарарни ундириш тўғрисида қарор чиқарди. Шундан сўнг суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Самарқанд вилоят ҳудудий бўлимининг Ургут туман бўлинмаси суд ижрочилари томонидан суд қарори ижроси таъминланди. Бунга тамаки хомашёси етиштириб хўжаликка топшириш учун оила пудрати билан хўжалик ўртасида тузилган шартнома асос вазифасини ўтайди. Чунки унда ширкат хўжалиги пудратчига иш ҳақини вақтида тўлаш мажбуриятини олган.

Албатта, бугун бу муаммо ўзининг қонуний ечимини топди. Бироқ бу ҳақда фикр юритганда, шундай ҳақли савол туғилади: хўш, ширкат хўжалиги томонидан иш ҳақини вақтида тўлаш мажбурияти олинган экан, нега энди 600 минг 23 сўм оила пудратчиларига адлия бошқармаси аралашуви ва қозилашиш йўли билан ундириб берилаяпти? Ёки бошқарув раиси И.Ҳақбердиев ва бош ҳисобчи Б.Юсуповларнинг ҳамёнидан кетган 293 минг сўм ерда қолганмиди? Улар чўнтакларидан кетган сармояга ичлари ачимайдими?

Бу саволга жавоб аниқ: ичлари ачийди, албатта. Лекин гап тарози палласи тенг қўйилмагани, адолатсизлик қилишгани, шартномани имзолашга имзолаб, унга риоя этилмагани билан изоҳланди.

Ҳужжатнинг **"пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари"** қисмида **"Шартномада кўрсатилган тамаки хомашёсини сабабсиз етказиб бермаса ёки кам етказиб берса, шартномадан кам етказилган тамаки хомашёси қийматини хўжаликка тўлайди, акс ҳолда суд орқали ундириб олинади"**, дея қатъий таъкидланган.

Бунга ҳеч ким эътироз билдирмайди. Аслида ҳаммаси шундай бўлиши керак. Бу ҳуқуқий ҳужжат тузиш, аниқ мақсадга эришишнинг ягона, тўғри йўли ҳисобланади.

Аммо шартноманинг 5.9-бандини ўқисангиз, бутунлай бошқа ҳолатга гувоҳ бўласиз. Келинг, яхшиси бу банддаги шартларни айнан келтирайлик: **"Пудратчи сабабсиз шартномада кўрсатилган тамаки маҳсулотини миқдори бўйича топширмаса ёки унинг қийматини хўжаликка нақд тўламаса, келгуси йили пудратчига ер майдони берилмайди"**. Нима, дўқ-пўписами бу?! Буниси ҳам майли. Агар шартноманинг охиридаги пудратчи имзолайдиган ўрнига назар солсангиз, лабингизга учуқ тошади: **"Шартномадан кам етиштирилган маҳсулот қийматини хўжаликка тўлашда нақд пул тополмасам, мол-мулкимни сотиб, тўлашни ўз зиммамга оламан".**

Хўжалик бошқаруви пудратчиларни қатор-қатор мажбуриятлар билан ўраб-чирмаб ташлаганлигига қойил қолгандирсиз? Энди айтинг, оилавий пудратчи деҳқонларга шунча шарт қўйган хўжалик раҳбарлари ўз зиммаларига олган иш ҳақларини вақтида тўлашдек мажбуриятни ойлар, ҳатто йил ўтса-да, бажармагани нима билан изоҳланади?

Хулоса шуки, ширкат хўжалиги раҳбарлари пудратчининг елкасига оғир юкни босишган, ўзларига қолганда бепарвога солишган.

Комил БАҲРИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос,
Ҳамид ЭГАМ,
журналист

Adliya tizimi

НАМАНГАН

Жорий йилнинг ноябр ойигача вилоят адлия бошқармаси томонидан 501.508.186 сўмлик 901 та даъво аризалари хўжалик ва фуқаролик судларига киритилди.

Шу жумладан, ширкат хўжаликлари бўйича 306.226.951 сўмлик 57 та даъво аризалари вилоят хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилди ва ижобий ҳал этилди. Фермер ва деҳқон хўжаликлари бўйича 31.646.898 сўмлик 12 та даъво аризалари киритилди.

Айниқса, оила пудрати усулида иш юритаётган фуқароларнинг манфаатини кўзлаб талай ишлар амалга оширилди. Ўтган 10 ой давомида 128.372.495 сўмлик 821та даъво аризалари фуқаролик ишлари бўйича вилоят судларига киритилди.

Шунингдек, вилоятдаги турли ташкилот ва муассасалардан тушаётган шикоят ва аризаларга ҳам адлия бошқармасининг мутахассислари катта аҳамият беришмоқда. Шу кунгача 34.778.059 сўмлик 11 та даъво аризалари ўрганиб чиқилди ва вилоят адлия бошқармаси томонидан судларга даъво аризалари киритилди.

"ЎРТАДА САРСОН... ЧОРБОҒ"

Тахririsiz maktub

1996 йилда оилам билан Ромитан тумани "Ромитан" ширкат хўжалиги ҳудудидаги қабристон атрофидаги бўш ётган 1,3 гектар ерни обод қилиш мақсадида ҳаракат бошладик. Аввал ер майдонини тозалаб, текисладик ва маҳаллий ўғит солиб, ўзим сотиб олган ўрик кўчатларини ўтқаздик. Меҳр билан парвариш қилинган боғ орадан тўрт йил ўтиб, 2000 йилда ҳосилга кирди. Шундан сўнг ширкат хўжалиги билан ижара шартномаси туздик. Қабристон атрофининг обод бўлганини кўрган катта-кичик қишлоқдошимиз ишимизга ривож тилаб, хайрихоҳлик билдиришди. Бироқ бу хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. 2000 йилнинг октябр ойида туман ҳокимлигига фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер ажратишни сўраб мурожаат қилиб юрган, бироқ ҳали ижарага ер олмаган, қўшни қишлоқда яшовчи Олим Нуров деган киши оиламиз тасарруфидаги чорбоққа эгалик даъвоси билан чиқди. У менга дарҳол чорбоғни бўшатиб қўйишимни, бундан кейин бу ерлар унга тегишли бўлишини айтди. Мен бу ҳақда туман прокуратурасига ёзма равишда мурожаат қилиб, қонуний тарзда ёрдам беришини сўрадим. Туман прокурори М.Ҳайдаровнинг 2002 йил 12 мартдаги 73-ш-02-сонли жавоб хатида 1,3 гектар чорбоғ менга тегишли экани таъкидланган эди. Яъни хатда туман ҳокимининг 2001 йил 6 августдаги 725-сонли қарорига асосан "Азизжон" фермер хўжалиги (раҳбари О.Нуров) тузилиб, 1,3 гектар ўрикзор мазкур фермер хўжалигига мен билан "Ромитан" ширкат хўжалиги ўртасида тузилган ижара шартномаси бекор қилинмасдан ноқонуний равишда олиб берилгани хусусида сўз боради. 2002 йил 15 апрел куни эса туман ҳокими А.Нозимовнинг "Азизжон" фермер хўжалиги ихтиёрига қўшиб берилган 1,3 гектар ернинг улар ҳисобидан чиқарилиши тўғрисидаги қарори чиқди. Бироқ бу қарорнинг ҳам умри қисқа бўлди. Бугунги кунгача ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга беш марта мурожаат қилинди. Бухоро вилоят хўжалик суди 2002 йил 30 октябр кунидаги қарори билан 1,3 гектар ер майдонини "Азизжон" фермер хўжалигига олиб берган бўлса-да, мен бу қарорни нохолисона чиқарилган, деб ҳисоблайман. Негаки, мен билан ширкат хўжалиги ўртасида тузилган шартнома ҳамон қонуний кучда бўлиб, ижарага берувчи томонидан менга нисбатан бирор-бир эътироз йўқ.

Ҳурматли таҳририят! Масаланинг адолатли ҳал этилишида ёрдам беришларингизни илтимос қиламан.

Қаҳрамон АВЕЗОВ,
Ромитан тумани

Huquqiy sharh

УЧИНЧИ ШАХС

у хўжалик юритиш жараёнида қандай ўрин тутади?

Ҳар бир ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий нормаларда ўз ифодасини топган хатти-ҳаракатларни маълум бир субъект томонидан содир этиш-содир этмаслик натижасида вужудга келади. Демак, ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ субъекти мавжуд бўлгандагина юзага келади.

Учинчи шахс — хўжалик юритиш жараёнида иштирок этувчи бўлиб, ишнинг натижасидан манфаатдор шахс саналади. Хўжалик юритиш жараёнида учинчи шахсларнинг икки гуруҳи эътироф этилади. Биринчиси, низо предметига нисбатан мустақил талаб билан мурожаат эта оладиган, иккинчи гуруҳ эса низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қила олмайдиган учинчи шахслар.

Келинг, ҳар иккала гуруҳни алоҳида-алоҳида кўриб чиқайлик. Хўжалик процессуал Кодексининг 41-моддасига асосан, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар ишга киришиши мумкин. Улар даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва барча мажбуриятларни бажаради. Шу тоифадаги низолар учун қонунда назарда тутилган ёки шартномада белгиланган жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этиш мажбурияти бундан мустасно. Шуни таъкидлаш лозимки, учинчи шахслар ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар ишга киришишга ҳақли. Ҳал қилув қарори қабул қилингач, бу тоифадаги учинчи шахслар жараёнда қатнашиш ҳуқуқини йўқотади. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, учинчи шахс даъвогар сифатида ҳал қилув қарори қабул қилинган хўжалик ишига алоқадор ҳолатлар юзасидан даъво аризаси киритишлари мумкин. Биринчи инстанцияда иштирок эта олмаган учинчи шахслар, ушбу иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқини йўқотади.

Хўжалик процессуал Кодексининг 42-моддасига асосан, низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш бўйича ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар даъвогар ва жавобгар томонидан ишга киришиши мумкин. Учинчи шахслар ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига биноан, суд ташаббуси билан ҳам ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин.

Низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар иккинчи тарафнинг ҳуқуқларидан фойдаланади ва процессуал мажбуриятларни бажаришади. Даъвонинг асоси ва предметини ўзгартириш, даъво талаби миқдорини қўпайтириш ёки камайтириш, шунингдек, даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш ёки келишув битими тузиш, суд ҳужжатининг мажбурий тарзда бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Юқоридагиларга асосан ҳар иккала тоифадаги учинчи шахслар ўртасида қуйидаги фарқларни ажратиш мумкин. Биринчи тоифадаги учинчи шахс жараёнга ўз ихтиёри билан даъвогар сифатида кириб келади. Иккинчи тоифадаги учинчи шахс эса ўз хоҳиши билан, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимоси ёки суд ташаббуси билан ишга жалб этилиб, даъвогар томонидан ҳам иштирок эта олишади.

Улар ўртасидаги асосий фарқ, низо предметини талаб қилиш далилидир. Биринчи тоифа учинчи шахс низо предметининг ўзига тегишли экани тўғрисидаги сабабларни илгари суриш ҳуқуқига эга. Иккинчи тоифа учинчи шахс эса бундай ҳуқуқдан маҳрумдир. Учинчи шахс ўртасида фарқлар билан бирга баъзи умумийликлар ҳам мавжуд. Чунончи, Хўжалик процессуал Кодексининг 34-моддасига асосан, иш материаллари билан танишиш, нусха кўчириш, судга илтимоснома киритиш, далиллар тақдим этиш, хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш каби умумий ҳуқуқлар ҳам шулар жумласига киради.

Шуни эътироф этиш лозимки, учинчи шахс қўшимча даъвогар ва жавобгарлардан баъзи процессуал тартиблар мавжудлиги билан фарқланади. Талабнома юбориш, даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш ва бошқалар шундай тартиблар сирасига киради.

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар юқоридаги каби ҳуқуқий институтларни ҳуқуқий жиҳатдан чуқурроқ таҳлил этиш ва ўрганишни ҳам тақозо этади.

Жамшид РАҲМОН,
ҳуқуқшунос

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО

Аввало шуни айтиш жоизки, замонавий информацион технологиялар электрон ҳужжат алмашинуви масалаларида ҳам идентификация ва аутентификациянинг зарур воситаларини яратиб бераяпти. Хусусан, электрон рақамли имзо воситасида нафақат ҳужжат юритиш, балки молиявий муомаланинг ҳам тўла автоматлашиши техник жиҳатдан муқаррарлашиб бормоқда. Шунингдек, бу борада юридик ва ташкилий муаммоларни ҳал этиш масаласи бугунги кунда долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Электрон рақамли имзо инфраструктураси ишлаши ва унинг амал қилиш тартиби қонуний эътироф этилиши учун ҳуқуқий замин яратилиши зарур.

Азалдан имзо (қўл имзоси) одатдаги ҳужжатлардан бири ҳисобланиб келган. Бошқача айтганда, имзо ҳужжатдаги маълумотлар билан ҳужжатни имзолаган шахс ўртасида боғланиш борлигини тасдиқлайди. Шунингдек, у шахсиятни идентификациялаш усулларидан биридир. Бунинг асосида инсондаги индивидуал биометрик кўрсаткичларнинг такрорланмас хусусияти ётади. Бироқ қўлда қўйилган имзо камчиликлардан холи эмас. У ҳужжатнинг аутентификацияси, яъни бутунлиги ва ўзгармаслиги ҳамда кўчирмаси аслига мос келишини ҳеч бир меъёрда таъминлай олмайди. Шунингдек, ҳужжатни сақлаш ёки етказиш мобайнида унинг мазмунан ўзгаришларга дуч келмаслигини кафолатламайди.

Электрон рақамли имзо, қўл имзосидан фарқли ўлароқ, моддий эмас, мантиқий табиатга эга бўлиб, у ўзида ҳужжат муаллифи, мазмуни ва электрон имзо эгасини бир хилда боғлашга имкон туғдирувчи кодлар кетма-кетлигини ифода этади. Электрон имзонинг мантиқийлиги имзони ҳужжатнинг моддийлигидан холи этади. Унинг ёрдамида электрон ҳужжатларни қайд этиш ва шунинг оқибатида уларни аутентификациялаш мумкин.

Бундан эса электрон имзонинг бошқа ижобий хусусиятлари ҳам келиб чиқади: ҳимояловчи воситаларнинг юқори савияда эканлиги ва уларга объектив баҳо бериш мумкинлиги; қўлланилиш доирасининг кенглиги; электрон ҳужжат нусхаларининг ўзаро тенг мавқе билан ишлатилиши; электрон имзоли ҳужжатларга хизмат кўрсатишнинг яхшигина автоматлашгани. Электрон имзодан фойдаланиш учун ҳуқуқий таъминотгина етарли эмас, унга махсус техник ва ташкилий таъминот ҳам зарурдир. Электрон рақамли имзо келажакда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг кўплаб соҳаларига кириб келади. Айниқса, электрон тижоратни усиз тасаввур этиб бўлмайди. Электрон рақамли имзонинг ҳуқуқий таъминоти давлат қонунини яратишдан бошланади. Дунёда электрон имзога оид дастлабки қонун 1995 йилнинг мартида АҚШнинг Юта штатида қабул қилинган ва Utah Digital Signature деб ном олган. У беш қисмдан иборат бўлиб, бошқа шу каби ҳужжатлардан ўзининг юқори даражали тафсилоти билан фарқ қилиб туради.

БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси турли давлатларнинг электрон рақамли имзо борасидаги қонунчилигини мувофиқлаштириш йўлида модел тарзидаги қонунни таклиф этган. Бунга электрон рақамли имзодан фойдаланишнинг халқаро эътирофи сифатида қаралиши мумкин. Мазкур соҳа равнақ топаётган мамлакатимиз миллий қонунчилигида ҳам ўз ўрнини топиши керак.

Акромжон КАРИМОВ

Yangilik

Ajab hangomalar

АРЗОН КЕТГАН "ТИКО"

ТАДБИРКОР КРЕДИТНИ ҚАЙТАРМАГАЧ, ГАРОВДАГИ МАШИНА ҚАРЗНИ УЗИШГА ҚАРАТИЛДИ

Челаклик тадбиркор Баҳодир Маннополовга қурилиш ва саноат моллари сотиб олиш, кейинчалик эса тижорат ишларини жонлантириб юбориш режаси анчадан буён сира тинчлик бермай келарди. Охироқибат "Савдогарбанк"нинг Челак бўлимига кредит маблағи ажратишни сўраб мурожаат қилди.

2001 йилнинг 25 июн куни тадбиркор билан банк ўртасида кредит шартномаси имзоланди. Шартнома таъминоти сифатида Челак туман нотариал идораси томонидан ипотика шартномаси асос қилиб олинди. Ипотика шартномасига кўра, Баҳодир Маннопов ўзига тегишли 1999 йилда ишлаб чиқарилган "Тико" русумли шахсий автомашинасини гаровга қўйди.

Шартномага кўра, хусусий тадбиркор Б. Маннопов бир йил ичида банкдан олган 1 миллион 700 минг сўм кредитни қайтариши ҳамда кредитдан фойдалангани учун ушбу маблағнинг йиллик 36 фоизи миқдорида кредит фоизи тўлаши лозим эди.

Баъзи кишиларнинг феъл-атвори қизиқ-да, давлат маблағини қонуний қилиб олишга олади-ю, лекин уни қайтаришга келганда, тўнини тескари кияди. Тадбиркор Баҳодир Маннопов ҳам шунақа кимсалар тоифасидан экан. У аввало, банк билан тузган кредит шартномаси мажбуриятини бажармади, кредит маблағининг бир сўмини ҳам ўз вақтида қайтаришни хаёлига келтирмади. Албатта, банк ходимлари хусусий тадбиркорнинг бундай масъулиятсизлигидан кўп азият чекишди. Ҳар ойда Б. Маннопов қачон кредит фоизини тўлайди, деб унинг қадамини пойлашди. Ҳатто қўл билан бериб, оёқ билан югуриш тарзида олинган кредитнинг банкка тегишли улушини тўлаш зарурлиги ҳақида тадбиркор ёзма равишда огоҳлантирилди. Бироқ унга бу саъй-ҳаракатлар пашша чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. Хуллас, тадбиркор кредит фоизини ҳам шартномада кўзда тутилган муддатлар ўтиб кетса-да, қайтармади.

Хусусий тадбиркор кредит шартномасини имзолаган пайтида унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ўзи рози бўлган эди. Қолаверса, айни чоғда шартнома нусхаси унинг қўлида турибди. Тадбиркор шартномада қайд этилган шартнома мажбуриятларини бажармаса, у ҳолда банк гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан кредит маблағи ва унга ҳисобланган фоизларни ундириб олинишини яхши билади.

Кишини таажжубга соладиган жиҳати шундаки, у жавобгарликни била туриб, масъулиятни унутган.

Хуллас, тадбиркор Б. Маннопов олган кредит маблағини ўз вақтида қайтармагани боис банк вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритишга мажбур бўлди. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан тўланмасдан келинаётган бир миллион етти юз минг сўм қарз ва икки юз эллик уч минг олти юз олтмиш етти сўм кредит фоизи ҳамда қирқ минг уч юз етмиш уч сўм давлат божи, жами бир миллион тўққиз юз тўқсон тўрт минг қирқ сўм маблағни жавобгар — тадбиркор Б. Маннопов томонидан гаровга қўйилган "Тико" русумли автомашина ҳисобидан "Савдогарбанк"нинг Челак бўлими фойдасига ундириш белгиланди.

Тўғри, қўл билан бериб, оёқ билан югуриш банк ходимларига бироз ташвиш туғдирди. Бироқ Баҳодир Маннополовга ўхшаган банк маблағини олишга олиб, қайтаришга келганда эса, масъулиятсизлик тўнини кийиб оладиганлар қонундан қочиб қутулолмасликларини унутишмаса, яхши бўларди.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ҚАРЗ ҚИЁМАТГА ҚОЛМАЙДИ

Халқимиз орасида шундай гап бор: қўлинг билан берсанг, оёғинг билан югуриб оласан. Асрлар оша ўтиб келаётган бу ибора айрим кимсалар учун бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Нега дейсизми? Унда бир неча дақиқа қимматли вақтингизни олишга тўғри келади. Гапни илгарирокдан бошласак, Янгиқўрғон туманидаги "Дурдона-ТМ" хусусий кичик корхонаси билан "Наманганмахсуссувдренаж" очиқ турдаги акциядорлик жамияти ўртасида 2001 йилнинг 28 феврал куни маҳсулот етказиб бериш тўғрисида 02-сонли шартнома тузилади. "Дурдона-ТМ" хусусий кичик корхонаси сотувчи, "Наманганмахсуссувдренаж" очиқ турдаги акциядорлик жамияти харидор сифатида расмий ҳужжатларга имзо чекишади. Шартнома шартларига кўра, "Дурдона-ТМ" хусусий кичик корхонаси 2001 йилнинг 5 март куни 4-сонли ҳисоб варақ билан 8000000 сўмлик бўёқ, 977850 сўмлик линолиум, 212500 сўмлик карбид, 197760 сўмлик мих ва 1320000 сўмлик автошина — жами 10702110 сўмлик маҳсулотни ўз вақтида "Наманганмахсуссувдренаж" очиқ турдаги акциядорлик жамиятига етказиб беради.

Барча маҳсулотлар ўша куннинг ўзидаёқ 64-сонли ишонч хатига асосан Убайдулло Обидов орқали тўлиқ қабул қилиб олинади.

Шу ўринда халқимизда бир ибратли мақол борлигини яна бир бор эслаб қўйсак, фойдадан холи бўлмайди: оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним. Хуллас, маҳсулотни омборга жойлаштириб олган "Наманганмахсуссувдренаж" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг раҳбар-мутахассислари унинг пулини қайтаришни ўйлаб ҳам кўришмайди. Икки тарафлама имзоланган шартноманинг 2-3-бандига кўра, маҳсулот ҳақи узоғи билан 10 кун муддат ичида сотувчи, яъни "Дурдона-ТМ"хусусий кичик корхонаси ҳисоб рақамига келиб тушиши керак эди. "Дурдона-ТМ" хусусий кичик корхонаси директори Насиба Муродова аввал бошда бироз кўнгилчанликка борди. Қарзни қистаб боришга хижолат чекди. Бироқ, қарздорлар ўз қарзларини узишни хаёлларига ҳам келтиришмади.

Охир-оқибат Насиба Муродова ўртадаги қарзни эслатиб қўйиш учун ўз мижозлари ҳузурига боришга мажбур бўлди. "Наманганмахсуссувдренаж" очиқ турдаги акциядорлик жамиятидаги раҳбар-мутахассислар опани икки букилиб кутиб олишди. Сўнг икки қўлларини кўксиларига қўйиб дарвозагача кузатиб ҳам қўйишди. Бироқ яхши гапга илон инидан чиқади, бу — тўғри, аммо унга қорин тўймайди-ку?! Хуллас, Насиба Муродова бир эмас, бир неча марта "Наманганмахсуссувдренаж" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг идорасига бўзчининг мокисидай қатнади.

Ахийри, шундай оворагарчиликлар жараёнида сотувчи билан харидор ўртасида 2002 йилнинг 20 феврал куни солиштирма далолатнома тузилди. Унга кўра, "Дурдона-ТМ" хусусий кичик корхонасидан "Наманганмахсуссувдренаж" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг 10701210 сўм қарзи борлиги яна бир марта ҳужжатларда ўз аксини топди. Бу қарзни ўз вақтида тўлаб бермагани ва шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун 3,3 бандига асосан 0,5 фоиз ва 3,4-бандига асосан 0,5 фоиз устама белгиланганлиги назарда тутилгани эслатилди.

Шундан кейин харидор бироз шошиб қолди. "Наманганмахсуссувдренаж" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг раҳбар мутахассислари ўртадаги қарздан 500000 сўмини 2002 йилнинг апрел ойида тўлашди. Қолган қарзларни узишни эса яна орқага ташлай бошлашди.

Буниси энди ҳаммасидан ошиб тушди. Н.Муродованинг сабри ортиқ дош беролмади. У вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди. Унинг аризаси атрофлича ўрганиб чиқилиб, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Ҳақиқатан ҳам, Янгиқўрғон туманидаги "Дурдона-ТМ" хусусий кичик корхонаси билан "Наманганмахсуссувдренаж" очиқ турдаги акциядорлик жамияти ўртасида 2001 йилнинг 28 феврал куни икки тарафлама 2-сонли шартнома имзоланган. Шартномага кўра, "Дурдона-ТМ" хусусий кичик корхонаси 2001 йилнинг 5 март куни 4-сонли ҳисоб-варақ билан жами 10702110 сўмлик ҳар хил турдаги маҳсулотларни "Наманганмахсуссувдренаж" очиқ турдаги акциядорлик жамияти етказиб берган. Шартнома шартига кўра, акциядорлар маҳсулот пулини 10 кун ичида қайтаришлари лозим эди. Бироқ бу шартнома шартлари харидор томонидан бажарилмаган. Суд жараёнида бу ҳолат яна ўз тасдиғини топди.

Даъвогар — Наманган вилоят адлия бошқармасининг вакили К.Орипов судда даъвони қувватлади.

— Жавобгар томонидан, — деди у, — 2002 йилнинг апрел ойида 500000 сўм тўланган. Асосий қарздан бу маблағни чегириб ташлаш лозим. Қолган қарзларни эса Н.Муродова ундириш учун бир неча марта жавобгар ташкилотга қатнади. Натижада у ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрди.

— "Дурдона-ТМ" билан шартнома тузилган пайтда, — дейди суд мажлисида "Наманганмахсуссувдренаж" очиқ турдаги акциядорлик жамиятига раиси Зокиржон Ҳамидов, — мен бу ташкилотга раҳбар эмас эдим. Якинда бошлиқ этиб тайинландим. Икки ўртадаги барча ҳужжатлар билан танишиб чиққач, "Дурдона-ТМ" хусусий кичик корхонасининг даъвоси ҳақ эканига амин бўлдим. Насиба Муродованинг сарсон бўлгани тўғри. Ҳисоб рақамимизда пулнинг ўзи йўқ. Топган пулларимизни эса солиқ тўловларига ўтказишга мажбур бўляпмиз. Аммо бу билан мен қарзни тўлашга имконимиз йўқ демоқчи эмасман. Қарз, албатта, бир ой ичида узилади.

Суд тарафларнинг фикр-мулоҳазалари ва иш жараёнида тўпланган ҳужжатларга таянди. Прокурорнинг бу ҳақдаги фикрини эшитди.

"Дурдона-ТМ" хусусий кичик корхонаси «Наманганмахсуссувдренаж» очиқ турдаги акциядорлик жамияти билан 2001 йилнинг 28 февралида тузилган шартномага кўра, 10702110 сўмлик маҳсулот етказиб беради. У ўз мажбуриятини бажарган. Демак, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт. Шартноманинг 3.3 ва 3.4-бандларида мажбуриятни бажармаганлиги учун ҳар кунига 0,5 фоиз устама ва умумий маблағдан 0,5 фоиз жарима белгиланган.

Даъвони маънавий зарар ундириш қисми бўйича эса суд оқилоналик тамойилидан келиб чиқди. Н.Муродова бир йил мобайнида сарсон бўлди. Асаблари чарчади. Етказилган маънавий зарар жавобгар вакили — жамият раиси З.Ҳамидовдан ундириладиган бўлди.

Бу иш ўзининг адолатли якунини топди. Лекин бу муаммонинг ҳар бир кишини ўйлантирадиган, сабоқ чиқаришга ундайдиган жиҳатлари жуда кўп.

Энг аввало, шуни айтиш керакки, бугун ҳар ким нима эксса, шуни ўради. Албатта, баён этилган муаммо ўз-ўзидан юзага келмаган, балки бунга кимнингдир масъулиятсизлиги, ўз бурчига совуққонлик билан қарагани сабаб бўлган. Энг ёмони, бунинг жабрини бутун бир корхона тортмоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Saboq

Falsafa va qonun

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори

ҲАЁТНИ ИДРОК ЭТИШ ФАЛСАФАСИ

Фалсафа инсоннинг борлиқдаги ўрни, ҳаётнинг моҳияти ва жамият тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий тартибларнинг диалектик боғлиқлик қонуниятларини ўрганади. Қонуншунослик ва ҳуқуқшунослик, умумий йўналиш сифатида, фалсафанинг ушбу қонунларига таянади. Тўғри, бундай таяниш тезда амалга ошмайди, чунки фалсафа қонунлардан ва қонунчиликдан олдинда юради. Масалан, Алкидан Элейскийнинг (эрамиздан аввалги IV аср) "Худо ҳаммани эркин яратган, табиат эса ҳеч кимни қул қилиб яратмаган", деган фикри XIX асрга келиб қонунчиликда ўз аксини топди. Ёки Арастунинг фуқаролик жамиятига доир, Сукротнинг "нимаики қонуний — адолатлидир", деган ғояларини инсоният икки ярим минг йилдан кейингина қабул қилди. Афлотуннинг **барча фанлар ичида қонунлар ҳақидаги фан инсонни кўпроқ камолга етказади,** деган фикрлари эса ҳозирги замоннинг қонун устуворлиги ғояси асосидир. Хуллас, жамият ва қонунтузарлар адолат, ҳақиқат, эзгулик, ахлоқ, ижтимоий манфаатлар, шахс эркинлиги ва унинг манфаатлари, манфаатлар уйғунлигини таъминлаш, давлат ва уни идора этишда амал қилинадиган умуминсоний меъёрлар ҳақидаги фикрларни, аввало, фалсафадан олади. Фалсафа қонунчилик ва ҳуқуқшуносликдан олдин юради, дедик, шундай бўлиши шарт ҳам. Агар қонунчилик фалсафадан олдинда юрса, ҳаёт талабларини менсимаслик, ҳатто тараққиётнинг табиий оқимига ўзбошимчалик билан аралашиш ҳоллари юзага келган бўларди. Афсуски, ҳозирги пайтда фалсафа бору қонунчиликка таъсир қиладиган файласуфлар ҳам, фалсафий ғоялар ҳам камчил.

Ҳа, узоқ давом этган тараққиёт жараёнида инсоният юридик қонунлардан-да кучли, кенг қамровли тартибларни яратди. Ахлоқий қонунлар бунга бир мисол. Юридик қонунларни бир буйруқ, ҳукм билан ўзгартириш мумкин, аммо ахлоқий қонунлар халқнинг ўзи каби азалийдир. Шунинг учун ўтмишдаги мустабид тузумлар, қучлар, энг аввало, ахлоқий қонунларни топташга, уларни ўз мақсадларига хизмат эттиришга интилган. Юридик қонунлар ахлоққа, кишилар ахлоқини юксалтиришга хизмат қилиши шарт.

Фалсафа билан қонунлар ўртасидаги зидлик, фарқлар тушунчаларда эмас, балки уларнинг моҳиятидадир. Фалсафани инсон, борлиқ, жамият, тараққиётнинг азалий муаммолари қизиқтиради. Қонунчилик эса шу куннинг талаблари билан қизиқади. Фалсафа муроқабага, баҳсга, қонунлар ҳукмга, ижрога мойил. Фалсафа учун "энг сўнгги ҳақиқат" йўқ, қонунлар учун "сўнгги ҳақиқат" — қонунлардир. Фалсафа адолатни, ҳақиқатни инсоннинг ички руҳий ҳолатларидан қидириши мумкин. Шунинг учун ҳар бир файласуфнинг ўз адолати ва ҳақиқати бўлади. Қонуншунослар учун адолат, ҳақиқат қонунлардадир. Улар қонунлар доирасида фаолият кўрсатадилар ва бу табиий. "Фалсафа ўзини ўзи инкор этиб яшайди" (Хосе Ортега и-Гассет), қонунлар — ўзини ўзи тасдиқлаб. Фалсафа умумийликдан, мавҳумликдан конкретликка, қонунлар ва қонунчилик эса конкретликдан умумийликка интилади. Фалсафанинг ўрганмайдиган, қизиқмайдиган соҳаси йўқ, қонунчилик эса ижтимоий тартибларни мустаҳкамлаш механизмларини тадқиқ этади.

Фалсафа ва қонунчиликни бир-бирига яқинлаштирадиган нуқта — инсондир. Қонунчилик инсон ва унинг манфаатларига дуч келганда, фалсафага мурожаат этишга мажбур бўлади. Инсон ва унинг манфаатларидан ташқарида турадиган қонун йўқ. Демак, маълум бир маънода қонун фалсафадир. Буни биз ҳуқуқ фалсафаси деймиз.

Шу ўринда бир нарсани айтиш жоизки, ҳуқуқ фалсафасига фан, жамият ҳуқуқий тараққиётининг асосларини яратиб берувчи соҳа сифатида қараш пайти келди. Қонунлар ўз ижросида фақат қонунларга таянади. Агар улар фалсафага таянса, ўз кучини ва мавқеини йўқотади. Қонунларда кишиларни ўзига итоат эттирувчи куч борки, шунинг учун кишилар қонун ҳукмига сўзсиз итоат этади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, фалсафа ва қонуннинг ўзаро уйғун жиҳатлари жуда кўп. Улар инсон манфаатига хизмат қилиши билан эътиборлидир.

Таҳририятимизга газетхонлардан ҳар куни ўнлаб мактублар келади. бу мактублар турфа хил мазмунда битилган. Аниқроқ айтганда, ҳар бир мактуб эгаси ўзини қизиқтирган масала юзасидан фикр юритган. Жумладан, яқинда пойтахтнинг Яккасарой туманида истиқомат қилувчи Собир Холмўминов таҳририятга хат билан мурожаат этиб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг 2-курс магистратурасида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётгани, оилавий шарт-шароитдан келиб чиқиб, таълим кредити олиш ниятида эканлиги, шундан келиб чиқиб, бу борада ҳуқуқий маслаҳат беришимизни сўраган.

Биз Собир Холмўминовнинг илтимосидан келиб чиқиб, қуйида унинг саволларига ҳуқуқшунос Саломат Ниёзованинг жавобларини ҳавола этмоқдамиз.

Muloqot

ТАЪЛИМ КРЕДИТИ

САВОЛ: ***Таълим кредити олишим учун қандай ҳужжатлар керак?***

ЖАВОБ: Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредити берилишининг йўлга қўйилиши ҳам бу борадаги ислоҳотлар самараси, дейиш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарорига мувофиқ **"Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"**ги Низом қабул қилинди. Низомнинг 2-бўлимида кредитни расмийлаштириш тартиби хусусида сўз юритилиб, таълим кредитини олиш учун қарз олувчи тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозимлиги қайд этилган:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома;

в) фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ёки уй-жой мулкдорлари, ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома.

Бунда шартнома бўйича ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда шартномага ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилади. Бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади ҳамда қарз олувчи, банк ва олий таълим муассасаси ўртасида тузилган кредит шартномасига зарур ўзгартиришлар киритилади.

Бундан ташқари кредитни камайтириш бўйича қуйидаги ҳужжат ҳам тақдим қилинади. Яъни имтиёзли таълим кредити олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оила фарзандлари тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Қарз олувчи ҳужжатларини банкка тақдим этиш вақтида паспорт шахсан кўрсатилиши лозим. Чунки банк паспорт ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур кўчирма ва нусхалар олади.

САВОЛ: ***Кредит неча йил муддатга берилади ва фоизи қанча бўлади?***

ЖАВОБ: Таълим кредити олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриатга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга эса 5 йилгача муддатга берилади.

Шуни айтиш керакки, талабаларнинг "Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври" бу муддатга кирмайди. Низомга мувофиқ, чин етим болалар "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганлар ҳамда болалаликдан II ва III гуруҳ ногиронларига нол фоиз ставкали (фоизсиз) кредит берилади.

Талабаларнинг қолган тоифаларига Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкалари белгиланади.

Таълим кредитлари бўйича ставка ва тижорат банклари томонидан қўшиладиган фоизлар учун тўловлар миқдори, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгартирилиши мумкин. (Бу кредит шартномасида қайд этилади);

Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган талабалар учун кредит бўйича кўпчилик фоизнинг 50 фоизи меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан, иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

САВОЛ: ***Таълим кредитини қайси банкдан олиш мумкин?***

ЖАВОБ: Таълим кредити талаба яшайдиган аҳоли пунктида жойлашган тижорат банкларидан олинади.

САВОЛ: ***Банкка ҳужжат тақдим қилингач, кредитни неча кун ичида олиш мумкин?***

ЖАВОБ: Таълим кредити қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида Олий таълим муассасасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан берилади.

Таълим кредитлари бўйича маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда ҳар ярим йилда ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини икки тенг қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талабалар учун биринчи ярим йилликда ўқилганлик учун бошланғич тўлов жорий тўлов йилининг 10 октябригача, иккинчи ярим йиллик учун навбатдаги календарь йилининг 15 мартигача тўланади.

Ўқишнинг иккинчи йилидан бошлаб, кредит ҳисобига тўловлар ҳар ярим йилликнинг биринчи ойи (сентябр ва март)нинг 5 кунидан кечиктирмай тўланади.

САВОЛ: ***Кредит олиш учун гаровга нималарни қўйиш мумкин?***

ЖАВОБ: Таълим кредити олиш учун амалдаги **"Гаров тўғрисида"**ги Қонун ва Фуқаролик Кодексига мувофиқ фуқаролар қонунда кўрсатиб ўтилганидек, айрим ашёларни гаровга қўйишлари мумкин. Жумладан, Фуқаролик Кодексининг 267-моддасига мувофиқ, ҳар қандай мол-мулк, ашёлар, мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин. Ҳар қандай мол-мулк бу – уй-жой, кўчар мулклар, яъни автомобил, қимматбаҳо нарса, буюм ва бошқа нарсалар шулар жумласига киради.



Кайфият

Сурат муаллифи И. ХУДОЙБЕРГАНОВА

Jinoyat va jazo

СОХТА АГЕНТ-07

Денов шаҳарида яшайдиган Шоим аканинг дарвозасини тонг саҳарда аллаким тақиллатиб қолди. Уй эгаси шоша-пиша дарвозани очди. Остонада афт-ангори сипогина нотаниш йигит турар эди. Мезбон салом-алик қилиб, уни ичкарига таклиф этди.

— Мен фалончининг ўғлиман. Ҳозир Тошкентдаги нуфузли ташкилотнинг 7-бўлимида ишлаяпман. Шу денг, хизмат сафари билан бу ёққа йўлим тушганди. Укангиз Тўлқинни яхши биламан. Унда ишим бор эди. Хўп, десангиз, бир-икки кун уйингизда яшаб турсам. Ишларни тезда бажариб, сўнг қайтишим керак. Ўзингиздан қолар гап йўқ, иш жойим сал нозикроқ. Хизматим мавқеи шуни талаб қилади, — деб гап бошлади нотаниш йигит.

Халқимиз азалдан содда ва ишонувчан. Шу боис инсоннинг лафзига ишонади. Балки бу одат унчалик ёмон эмасдир. Аммо баъзан ҳаётда фирибгар кимсалар халқимизнинг ана шу ишонувчанлигидан устамонлик билан фойдаланиб қолади. Шоим ака ҳам остонада турган йигитнинг гапларига ишонди-қўйди. Чунки йигит тилга олган фалончи Сурхондарёда анча обрўли инсон эди. Унинг хаёлига бирон-бир ёмон ўй ҳам келмади.

— Ичкарига киринг, ука. Отангизни яхши танийман. Ишларингиз битгунича бемалол уйимизда тураверинг. Укамни яхши биларкансиз, — деди у нотаниш йигитга уй тўридан жой берар экан.

Ишнинг бундай силлиқ битганидан қувонган Хайрулла Ражабов меҳмондорчилик учун қуюқ миннатдорчилик билдириб, энди ишларни бажарай, дея кўчага томон йўл олди.

Куз кунлари. Барча пахта-йиғим мавсуми билан банд. Туман нефт маҳсулотлари корхонасининг бошлиғи Жамолиддин Қосимов ҳам ўзининг иш кабинетида иш билан банд бўлиб ўтирарди. Кутилмаганда, стол устидаги телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарган бошлиқ одатдагидек саломлашиб, сўрашган бўлди.

— Жамолиддин ака, мен фалончевнинг ўғлиман. Исмим Ўткир. Сизга отам кўпдан-кўп салом айтиб юборди. Сиз билан учрашишим лозим. Баъзи ишларни бажаришда ёрдамингиз керак бўлади, — деди кўнгироқ қилаётган киши.

— Майли, мен ишхонадаман. Келинг, кутаман.

Хайрулла Ражабов такси ёллаганича бир пастда Жамолиддин Қосимовнинг қаршисида пайдо бўлди. У ўриндиққа ястаниб ўтирган кўйи гапга тушиб кетди:

— Ҳозир фалон нуфузли идоранинг 7-бўлимида хизмат қиламан. Хизмат юзасидан бу ёққа келгандим. Машинанинг бензини тугаб қолди. 25 литр бензин ёрдам қилсангиз. Биласиз, хизматчилик...

Бу воқеа шу йилнинг 2 октябр куни бўлиб ўтганди. Орадан бир кун ўтгач, фирибгар яна нефт корхонаси бошлиғининг ҳузурига кирди:

— Биласизми, ака, мен асосан моддий томондан кам таъминланган оилаларнинг талаба фарзандларига ёрдам уюштиришдек муҳим иш билан келгандим. Энди сиз Деновнинг шарт-шароитини яхши биласиз. Менга амалий ёрдам қилсангиз.

— Хўш, нима хизмат экан? — деб сўради бошлиқ.

— Термиз давлат университетининг 4-боскич талабаси Анвар Мирзаев ана шундай кам таъминланган оиланинг фарзанди. Унинг ўқиши учун 355 минг 400 сўмлик шартнома пулини ўтказиб берсангиз, — дея бошлиқнинг олдига шартнома нусхасини қўйди.

— Майли, шартномани ташлаб кетаверинг, имконият бўлса, кўрармиз.

— Раҳмат ака. Яна бир илтимосим бор эди. Сиз фермерларни яхши танийсиз. Улар сизнинг корхонангиздан нефт маҳсулотлари олиб турса керак. Амир Темур номидаги ширкат хўжалигида Аҳмад Нарзуллаев деган фермер бор. Шу кишини телефон орқали шу ерга чақириб берсангиз.

Нефт корхонаси бошлиғи туппа-тузук, эсли-хушли йигитнинг гапларидан сал хавотир ва ишончсизлик "ҳиди" келаётганини гарчи сезган бўлса-да, уни сиртига чиқармай сухбатдошини обдон синаб кўриш мақсадида телефон орқали фермерни ҳузурига келиб кетишини илтимос қилди.

Бу дунёнинг ҳийла-ю-найрангларидан бехабар фермер А. Нарзуллаев Хайрулла Ражабовга учрашди.

— Э, акажон, ишларингиз яхшими? Мен фалон жойда ишлайман. Фалончиевнинг ўғили бўламан. У киши сизга кўпдан-кўп салом айтиб юборди. Мен сиз келгунга қадар суриштириб билдим, ишларингиз анча бароридан келаётган экан. Туманда бели бақувват фермерлардан экансиз. Сиз тўғрингизда илиқ гапларни кўп эшитдим-у, бир масалада менга ёрдам беришингизга ишонч ҳосил қилдим, — дея Хайрулла Ражабов фермер Аҳмад акани аврашга тушди.

— Хўш, қандай хизмат экан? Сиздай мартабали меҳмоннинг илтимосини бажармай бўладими? — деди Аҳмад ака соддалигига бориб.

— Энди ака, ўзингиздан қолар гап йўқ. Ҳозир ёшларимиз ўқиши, илм олиши керак. Ҳукумат ҳам бу соҳада ёшларимизга катта ғамхўрлик кўрсатаяпти. Мен ҳам хизмат сафаримда ана шу масалалар билан шуғулланиш учун Деновга келганман. Айниқса, моддий томондан кам таъминланганларнинг фарзандларига ёрдам уюштиришим лозим. Шу масалада сизни чақиртирган эдим.

— Майли, эшитайлик. Иложи бўлса, имконият излармиз, — деди самимийлик билан фермер.

— Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида таълим олаётган Хуршид Қобилов деган талаба бор. Ўзи шу вилоятдан. Унинг оиласи моддий жиҳатдан кам таъминланган оилалар сирасига киради. Унинг ўқишини давом эттириш учун 474 минг 600 сўмлик шартнома пулини институт ҳисоб рақамига ўтказиб берсангиз, — дея Хайрулла Ражабов унинг олдига 064-02 рақамли шартномасини қўйди.

— Бош ҳисобчи бирон-бир имкониятларни бир чамалаб кўрайлик. Агар иложи бўлса, кўрармиз, — дея гапни калта қилди фермер.

— Яшанг, ака. Сиздай фермерлар жамиятимизга жуда керак. Ишларингиз бундан ҳам эўр бўлсин. Агар бирон-бир ёрдам керак бўлса, тўппа-тўғри 7- бўлимга бориб, менга учрашаверинг. Мана, телефон рақамлари, — дея Хайрулла Ражабов миннатдорчилик билдирди.

Фермер билан дастлабки учрашув шу билан ниҳоясига етгандек эди. Аммо орадан бир кун ўтгач, Хайрулла Ражабов тағин фермер Аҳмад Нарзуллаев ҳузурида пайдо бўлди.

— Яна қандай муаммо бор?- деб сўради ҳайрон бўлган фермер.

— Хизмат сафари сал чўзиладиган бўлиб қолди. Ўзингиз биласиз, биз ойликка қараган одамлиз. Бу ерда ишларни бажаргунча 20 минг пул зарур бўлиб қолди.

У ана шундай товламачилик йўли билан 20 минг сўмни қўлга киритгач, Денов тумани нефть маҳсулотлари корхонасига қарашли 13-сонли автомашиналарга ёқилғи қуйиш шоҳобчасида оператор бўлиб ишлаётган Абдуқодир Муродовнинг олдига борди.

— Ишлар яхшими? Камчилик йўқми? — дея у овозини кўтариб сўрашди.

— Ишлар яхши. Бензин келиб турибди, — деб шоша-пиша жавоб берди оператор йигит.

— Мен фалон идоранинг 7-бўлимида ишлайман. Хизмат сафари билан келганман. Анави таксига 15 литр бензин қуй...

— Майли, акажон. Ҳозир қуяман, — деди Абдуқодир.

Бироқ, фирибгар Хайрулла Ражабовнинг найранглари бу гал ўтмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тушган маълумотлар тезкорлик билан ўрганиб чиқилди. Асли Жарқўрғон туманидаги Ҳамид Олимжон номидаги ширкат хўжалигининг Чоржўй маҳалласида яшовчи, 1974 йилда туғилган фирибгар Хайрулла Ражабовнинг Деновдаги 3 кунлик "хизмат сафари" суднинг қора курсисига ўтириб билан якун топди.

Шу тарика ўзини машҳур кинодаги 07-рақамли агентга қиёслаган фирибгарнинг миси чиқди. Сохта агентнинг қилмишлари суда тўлиқ ошкор бўлди. Энди у сохта агентликни ҳавас қилмаса керак. Бу воқеадан бошқалар ҳам сабоқ олишса, ажаб эмас.

Эргаш МЕНГЛИЕВ,
ҳуқуқшунос

Mitti maslahat

Рукн учун масъул:
ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХС

У БИЛАН НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Шўро тузуми якун топгач, унинг ўрнида вужудга келган мустақил давлатларда никоҳ тузишни қайд масаласида жиддий ўзгаришлар юзага келгани ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бу табиий жараён. Хўш, мамлакатимиз ҳудудида бу масалада қандай муносабат белгиланган? Қуйида ана шу масала ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Оила Кодексининг 216-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳ тузилганлигини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади", деб таъкидланган.

Демак, мамлакатимиз фуқароларининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳи қайд этиш умумий асосларда, яъни Республикамиз фуқаролари ўртасидаги никоҳни қайд этиш каби амалга оширилади. Аммо бундай ҳолда никоҳ қайд этиладиган кунда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг визаси ҳақиқий бўлиши ва никоҳга кириш ҳақидаги аризага Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилиниши лозим. Шубҳали ҳолларда эса чет эл фуқароси ёки фуқаролиги йўқ шахснинг илгари никоҳда бўлган ёки бўлмаганлигини текшириб кўриш мумкин. Бундан ташари никоҳга кирувчиларга никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолларни яширган ёки ёлғон маълумотлар берган ҳолларда жавобгарликка тортилиши тушунтирилади.

Шунингдек, никоҳга кириш пайтида эр-хотиндан бири иккинчисининг фамиялияси қабул қилганда паспортига "Алмаштирилиши керак" деган белги қўйилади. Мамлакатимиз фуқароларининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳи қайд этилгач, ФХДЁ идораси бу ҳақда мутасадди идораларга хабар бериши лозим. Шу билан бирга мамлакатимиз фуқароси билан никоҳга кирган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатда белги қўйиш учун жой бўлса, никоҳ қайд этилганлиги ҳақида белги (штамп) қўйилади.

ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ

ундан кимлар фойдаланади?

Talab, taklif, mulohaza

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш биринчи галда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш даражаси билан боғлиқ бўлиб, суд-тергов ишларини юритишда ҳимоя ҳуқуқини кафолатлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳимоя ҳуқуқи ҳақида сўз юритишдан олдин, унинг Конституцион ҳуқуқ эканлигига эътибор қаратиш лозим. Чунки Бош Қомусимизнинг 26-моддасида **"Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади"**, дея қайд қилинган. Ушбу қоида амалдаги Жиноят Процессуал Кодексда ҳам ўз аксини топган бўлиб, унинг мазмунини жиноят ишларини юритишда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш ташкил этади.

Айтиш жоизки, жиноят процессида ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши, аввало, процессуал кафолатнинг таъминланиши билан боғлиқ. Процессуал кафолат деганда эса, жиноят ишини қўзғатиш, тергов қилиш, судда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш, ҳукм, ажрим ва қарорлар ижросини таъминлаш, жиноят процессининг вазифаларини амалга оширишнинг қонунда белгиланган воситалари тушунилади. Бу жараённи амалга оширишда давлат идоралари муҳим ўрин тутади. Мазкур идоралар томонидан процесс иштирокчилари ҳуқуқлари амалга оширилишининг таъминланиши процессуал аҳамиятга эга. Процесс жараёнида ҳимоя функциясини кимлар амалга ошириши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари масаласини таҳлил қилиш ҳам ҳимоя функцияси мазмунини ечишда етакчи ўрин эгаллайди. Айнан шу боис ҳам давлат айбловчи вазифасига киришаётганда, шахс ҳуқуқини ҳимоя қилишни давлатга тегишли бўлмаган ташкилот — адвокатура зиммасига юклайди. Бу ўринда ҳимоячи ҳам аслида давлатнинг фуқароларни ҳимоя қилиш функциясини бажараётганини эътиборга олиб, унинг жиноят ишларини юритишдаги ваколатлари айблов функциясини бажарувчи давлат идораларининг ваколатлари билан тенгштирилиши мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз. Чунки ҳимояни ҳимоя функциясини амалга оширишда кимлар иштирок этишига қараб бир неча турга бўлиш мумкин.

Биринчидан, айбланаётган шахснинг бевосита ўзи томонидан амалга ошириладиган ҳимоя. Чунки айбланаётган шахси ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш Конституцион тамойил бўлиб, у Асосий Қонунимизнинг 26,27 ва 116-моддалари билан мустаҳкамланган.

Иккинчидан, айбланувчининг ўзини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ЖПКнинг 45-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, айбланувчи ўзининг нимада айбланаётганини билиши, ўзини қонуний барча восита ва усуллардан фойдаланиб ҳимоя қилиши мумкин.

Ҳимоя ҳуқуқидан кимлар фойдаланиши тўғрисидаги масала ҳам бироз баҳсли эканини таъкидлаш ўринли. Негаки, Конституциямизнинг 116-моддаси мазмунига кўра, ҳимоя ҳуқуқи фақат айбланувчига тегишлидир. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилик эса мазкур ҳуқуқни гумон қилинувчи ва судланувчиларга нисбатан ҳам қўллайди. Яъни ҳимояланиш ҳуқуқига гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳам эга. Бу эса ўз навбатида шахс ҳукм чиққан кундан бошлаб, ҳимоя ҳуқуқидан фойдалана олмайди, деган хулосани келтириб чиқаради. Чунки ЖПКда мажбурий ҳимояланиш ҳуқуқидан фойдаланиши тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Фикримизча, жиноят-процессуал қонунчилигимизда ҳимояланиш ҳуқуқи ўз кучини ҳукм чиққанидан кейин ҳам йўқотмаса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган меъёрларни такомиллаштириш, уларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг риоя этиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА,
ҳуқуқшунос

ХАЛҚАРО ПАРАТАШКИЛОТЛАР:

ПАРИЖ КЛУБИ

Jahon tajribasi



Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида иқтисодий муаммоларни муҳокама этиш ва тартибга солиш жараёнига муайян даражада жалб этилган юздан ортиқ халқаро ташкилот фаолият юритмоқда. Улар ўз таркиби, катта-кичиклиги, вазифалари ва халқаро иқтисодиётга таъсир нуқтаи назаридан бир-биридан ажралиб туради. Шу боис халқаро иқтисодий ташкилотларни турли мезонларга мувофиқ таснифлаш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги замон валюта-молия муносабатлари, айниқса, давлатларнинг ташқи қарзларини тартибга солиш борасида "Катта саккизлик", Париж ва Лондон клублари, икки ва кўптомонлама асосда ташкил этилган бошқа халқаро тузилмаларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ушбу халқаро тузилмалар фаолиятининг техник қоидалари мослашувчан ва норасмий экани ҳамда юқори даражадаги махфийлик туфайли шундай нуфузга эга бўлаётир. Эътиборли жиҳати шундаки, бунинг натижасида миллий конституцион ва бошқа қонунчилик тартибларига риоя қилишдаги мослашувчанлик тўлиқ таъминланади. Ташқи қарзлар ва улар билан боғлиқ муносабатларни норасмий халқаро ташкилотлар доирасида тартибга солиш кредиторлар учун халқаро молия-валюта ҳуқуқининг қатъий қоидаларидан фойдаланишдагига нисбатан кенгроқ имкониятлар яратади.

"Катта саккизлик", Париж ва Лондон клублари ҳамда бошқа тузилмаларнинг ҳуқуқий мақоми илмий адабиётларда "параташкилот" атамаси билан аталади. Ривожланган давлатлар айнан параташкилотлар доирасида ривожланаётган ва бошқа давлатлар қарзларини реструкризация қилиш (бирлаштириш, конверсиялаш, қайта молиялаш) қоидаларини белгилайди. "Катта саккизлик" учрашувларида кўпинча халқаро қарзлар муаммолари муҳокама этилади ва реструктуризациялаш тартиби тўғрисидаги қоидалар келишиб олинади. Ушбу қоидалар улар келишилган жой номига кўра Лондон, Торонта, Хьюстон қоидалари деб аталади.

Масалага ҳуқуқий жиҳатдан ёндашилганда қуйидаги саволлар юзага келади: параташкилотлар доирасида қабул қилинадиган қарорлар қандай ҳуқуқий кучга эга. Шунингдек, улар ўзаро келишадиган битимларнинг аҳамияти қандай?

Параташкилотлар ўз идоралари орқали иштирокчи давлатлар билан турли муносабатларга киришади. Бундан ташқари субъектлар ўртасида ташқи қарзлар юзасидан техник қоидалар ёки қабул қилинган тартибга мувофиқ турли ҳуқуқий муносабатлар вужудга келиши, ўзгариши ва тугатилиши учун ташкилий замин ҳозирлайди. Бироқ параташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги зарур маълумотлар йўқлиги боис бир қанча ноаниқликлар мавжуд. Масалан, бир томондан, Лондон клубининг ХВФ, Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки, ЮНКТАД сингари муассасаларнинг клублар иштирокчилари бўлган давлатлар билан ўзаро муносабатлари қандай ҳуқуқий хусусиятга эга, деган саволни олиб қарайлик. Бу саволга жавобан шуни айтиш лозимки, давлатларнинг мазкур клуб ёки шунга ўхшаш параташиклотлардаги ҳуқуқий мақоми бир хил эмас, клублар доирасида тузиладиган битимларнинг ҳуқуқий табиати техник қоидалар ва тартибларига кўра турлича. Энди параташкилотлар ҳақида алоҳида тўхталамиз. Параташкилот ҳисобланган "Париж клуби" кредитор давлатларнинг халқаро ташкилотидир. 1956 йилдан буён мазкур клуб доирасида бошқа давлатларнинг ташқи давлат қарзлари муҳокама этилади ва реструктуризациялаш (бирлаштириш, конверсиялаш, қайта молиялаш), қоплаш ва қарзга хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги қарорлар қабул қилинади. "Париж клуби" аъзолари иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига иштирокчи давлатлардан иборат бўлиб, қарорлар консенсус асосида унинг исталган бир шаклида қабул қилиниши мумкин. Клуб фаолиятига доир таъсис ҳужжатлари, қоида ва тартиблар қабул қилинмаган ҳамда кўп жиҳатдан «жентелмен»лик келишувларига асосланади. Клубнинг вакиллик ва техник идоралари Президент ҳамда Франция Молия вазирлиги ходимларидан иборат котибият ҳисобланади. Қарзларни реструктуризациялаш, тўлов муддатини узайтириш, қайта молиялаш, қоплаш ҳамда реструктуризация жараёнини бошлаш шартлари ҳеч қаерда ошкора қайд этилмаса-да, барча кредиторлар учун ягонадир.

"Париж клуби" доирасида музокараларни бошлашнинг дастлабки шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат: а) банкротлик арафасида деб топиш; б) ХВФ томонидан маъқулланган ва молияланадиган, асосан муайян молиялаш механизмлари орқали амалга ошириладиган иқтисодий барқарорлаштириш дастурини қабул қилишга розилик билдириш; в) бошқа кредиторлар билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга қўмаклашиш; г) ножўя, жумладан кредиторларни камситадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик.

Қарздор давлатларнинг халқаро молия ташкилотлари дастурларини амалга ошириши, энг аввало, уларнинг кредиторлар билан бўлган ҳуқуқий муносабатларида акс этади. Кредиторлар ва қарздорлар халқаро молия ташкилотларининг маслаҳат ва тавсиялари асосида қабул қилинган дастур ижобий самара бериши, қарздор давлатларга ташқи қарзга доир мажбуриятларни ўз муддатида ижро этишга кўмаклашишга асосланади. Шу сабабдан кредитор давлатлар қарзларни реструтуризациялашга, қарздор мамлакатлар эса ўзлари қабул қилган ва халқаро молия ташкилотлари маъқуллаган дастурлар доирасида янги қарз олишга розилик билдиради. Бироқ дастурни бажармаслик натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар ёки кутилган натижаларга эришмаслик таваккалчилиги тўлалигича қарздорлар зиммасига юклатилади. Салбий оқибатлар таваккалчилигини тегишли халқаро молия ташкилотлари зиммасига юклашнинг ҳуқуқий имкониятларини яратиш масаласи маслаҳат ҳамда тавсиялар беришнинг ҳуқуқий шартларига боғлиқ. Гарчи таъсис ҳужжатларида техник ва молиявий хизматлар кўрсатиш юзасидан иштирокчи давлатлар билан тегишли битимлар тузиш тўғрисидаги қоидалар кўзда тутилган бўлса-да, улар ўртасидаги маслаҳатлашувлар музокаралар жараёнида амалга ошади ва бирон-бир ҳуқуқий шаклда расмийлаштирилмайди. Ҳужжат шаклини маслаҳатлашув эмас, балки давлат томонидан "қўнгилли равишда" қабул қилинган дастур эгаллайди.

Халқаро молия ташкилотларининг тавсиялари ва ҳужжатларини қабул қилган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, мазкур ҳужжатларнинг тавсиявий хусусияти бир қарашда кўзга ташланмайди, бироқ синчиклаб ўрганилганда шундай эканлиги маълум бўлади.

48 СЕКУНД ВА 700 ЙИЛ

Aks-sado

Журналист Бобомурод Эралиевнинг "Яшаш учун кечикманг!" номли мақоласини ўқиб, Баҳоуддин Нақшбанднинг **"Кимки вақтини зое кеткиздими, бас, вақт унинг душманига айланади, нафаснинг зое кетишига йўл қўйманг ва бундан эҳтиёт бўлинг"**, деган сўзлари эсимга тушди.

Мени бир пайтлар Нақшбандия тариқатининг вақтга муносабати жуда қизиқтириб қўйганди ва бу ҳақда ўз фикрларимни эълон қилган эдим. Ҳар бир ҳодиса, ҳар бир ҳолат вақтнинг ичида содир бўлади, деймиз. Ҳолбуки, вақт ҳар бир одам учун алоҳида моҳият касб этади. Нақшбанд ҳазратлари нафас моҳиятини очиб берганига 600 йилдан ошди. Аммо биз олти юз йилда ҳам нафаснинг ўзи вақт эканини англаб етмадик.

Бу борада ҳазрати Румий билан бўлиб ўтган бир суҳбат эсга тушади. Муридлар Румийдан рубоб оҳангларини тинглаётганида, ундаги илоҳий завқ, буюк илҳом, ғўзал ҳузур қайдан пайдо бўлишини сўрайдилар. Румий: «Мен рубоб оҳанглари товушида жаннат эшиклари очилаётганда чиқадиган овозни эштитаман», деб жавоб беради. Муридлар яна ундан: "Ахир, биз ҳам сиз тинглаётган рубобни тинглаймизку, нима учун сизда пайдо бўладиган завқ бизда бўлмайди", деб сўрайдилар. Румий: «Сизлар бу ҳолда жаннат эшиклари ёпилаётганда чиқадиган овозни эштитасизлар», деб жавоб беради.

Демак, вақт моҳиятини англаш ҳам қалб тириклиги билан боғлиқ, асрлар мобайнида қалб тириклиги улуғлар ижодида бош мавзу бўлиб келган. Исо пайғамбарнинг "Ўликни тирилтиришга кучим етди, аммо ахмоқни тузатишга иложим етмади", деган сўзлари ҳам айнан шу қалб тириклиги ҳақидадир.

Нақшбанд ҳазратлари нима учун нафасга урғу берди? Илло, нафас вақт эканлигини англай олмаган одам вақт дарёсида қўлларча оқиб кетаётган хасхашак каби ўликдир.

Нақшбанд айтадиларки, ҳар ким ўз вақтидаги вазифасини адо қилиш билан машғул бўлса, уни "соҳибул вақт ("вақт эгаси") дейдилар". Бизнинг замонамизда бундай унвонга эришиш катта саодат. Лекин ҳазрат ўз хулосасида "вақт эгаси" ўлишнинг ўзи билан чекланмайди. Инсонда бундан-да улуғроқ саодат бор эканини таъкидлайди, яъни: "Аммо эришганлар ва тамкин аҳли, ўзини босиб олганлар учун бу вақт доимий ва абадий бўлади. Бу вақт соҳиби вақтнинг тасарруфидан қутилган, балки уни ўз тасарруфига олган бўлади. Уни "абул вақт солик" ("Вақт отаси бўлган солик") деб атайдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд нафас моҳиятини очиш билан вақт отасига айланган. У вақтни бўйсундира олади. XX асрдаги параллел оламлар, вақт деворини ёриб ўтиш каби "қаҳрамонона" шовшувлар нақшбандия тариқати учун сира янгилик эмасди. Бугунги кунда айримлар вақт деворини ёриб ўтиб, аср кашфиётини қилмоқчи бўлишади. Ҳолбуки, бундан олти юз йил аввал Нақшбандия тариқати даҳолари вақтни ўз тасарруфига олишга муваффақ бўлишган эди. Навоийнинг улар ҳақида: "бу тоифанинг кўз олдида ер юзи тирноқ юзи кабидир", деб берган баҳоси ҳам фикримизни далиллайди. Шайх Азизиддин Насафий руҳ нури ҳақида гапириб: "Дунёнинг барча кишилари бу нурни излаб талпинадилар, аммо улар бу нурни ўзларидан ташқаридан излайдилар ва қанча изласалар ундан шунча узоқлашадилар", дейди. Бу ҳам инсоннинг ички олами билан вақтнинг чамбарчас жиҳатларига ишора. Зеро, биргина олча гулига минг хил одам минг хил кўз билан қарайди.

Баҳоуддин Нақшбанд бир секунднинг ичида тариқатнинг асоси бўлган ўн бир амални бажара олган, десак, муболаға бўлмайди. Тариқат асосчиси бир лаҳзани ўн бирга бўлади ва бу лаҳзанинг ўн бир бўлагига ўн битта амал ижросини жойлайди. Бу эртак эмас. Чунки вақт илоҳиёт нури билан йўғрилганда ақл бовар қилмас даражада бекиёс мазмун касб этади. Биргина илоҳий лаҳза неча-неча дунёвий йилларидан кенг кечади. Нақшбанднинг биргина лаҳзасини яшаб ўтиш учун юз йил камлик қилади. Албатта, буюк Вақт ўлчамларини одамнинг 20 сантиметрлик қаричи билан ўлчаб бўлмайди.

Океаннинг тубида капалаксифат бир жонивор яшар экан. Бу жониворнинг бутун ҳаёти, бутун умри 48 секунддан иборат. У айнан шу 48 лаҳзанинг ичида туғилади, яшайди, авлод қолдиради ва ўлади. Дунёни қарангки, бир хил калтакесак 700 йил яшайди. У ҳам шу 700 йил ичида туғилади, яшайди, авлод қолдиради ва ўлади.

Демак, умр бу дунёда қанча вақт яшаганлик билан эмас, балки ўзидан қандай ном қолдириш билан ўлчанади.

Зотан, ҳаётда минглаб мисоллар мавжудки, уларнинг барчаси моҳиятэътибори билан инсон қачонки яшашнинг қадрига етса, умрнинг ҳар бир сониясидан оқилона фойдаланса, унинг ҳаёти мазмунли кечишидан далолат беради.

Эшқобил ШУКУР

Taqdir tarixi

FRANCISC BACON
УНУТИЛМАС ҲАЁТ ЙЎЛИ

Инглиз уйғониш даври улуғ донишманди, сиёсатшунос, ёзувчи Фрэнсис Бэкон ўз битикларидан бирида: "Мен жангчи эмасман, қирғин-барот урушларда қатнашиш ҳам вазифам эмас, мен фақат сурнайчиман. Ва сурнайимиз инсонларни ўзаро ихтилофу қулфат келтирувчи урушларга эмас, билъакс, улар ўзаро келишув битимлари тузиб, бирлашган қучлари билан табиат истеҳкоминнинг ҳеч ёриб ўтиб бўлмас тўсиқларига ҳужум қилиб, уни қучу қудрат ва ақлу заковатлари билан забт этишга чақиради", деган ва умрининг сўнггигача ана шу ғоясига содиқ қолишга уринган алломалардан эди.

Фрэнсис Бэкон 1561 йилнинг 22 январида Лондоннинг Йорк-Хаузе мавзесида қиролича Елизавета саройига яқин бўлган, Англия катта муҳрини сақлагувчиси тўра Николас Бэкон оиласида дунёга келди.

Бери Сент-Эдмунде аббатлигига қарашли қўйчилик хўжалиги бошқарувчисининг ўғли бўлган Николас Бэкон ўзининг юридик ва сиёсий фаолияти туфайли саройда катта нуфузга эга бўлиб, хизматлари эвазига отаси неча ўн йиллаб роҳибларга астойдил хизмат қилгани ибодатхонага тегишли бўлган мусодара қилинган ермулк унга тортиқ қилинди. У ўта салоҳиятли ва соғлом ақл эгаси бўлган давлат арбоби эди. Унинг хотини, бўлғуси аллома Фрэнсис Бэконнинг онаси эса қирол Эдуард VI тарбиячиси Антони Куклар хонадонига мансуб бўлиб, жуда билимли, ақлли аёл эди. У кўҳна юнон, лотин тилларида бемалол сўзлашар, диний келишмовчиликлар ва қарама-қаршиликлар билан қизиқар, илоҳиёт борасидаги адабиётларни инглиз тилига ўгириш билан ҳам шуғулланган эди. Аннанинг синглиси, Фрэнсиснинг холаси эса қироличанинг биринчи вазири Вильям Сесилга турмушга чиққанди. Ана шу даврдан бошлаб Англия сиёсий, иқтисодий, маърифий ҳаётига "янги киборлар" — Бэконлар, Сесиллар, Расселлар, Ковлидишлар, Сеймурлар ва Гербертлар кириб боради ва улар мамлакатнинг сарой ва жамоат ҳаётида муҳим роль ўйнаб келган эски аристократлар оиласи ва неча ўн йиллик "Розлар уруши"да шармандаликка учраган ва мутлақ ҳокимиятга эга бўлган Тюядорлар олдида ўз сиёсий ахамиятини йўқота бошлаган илгариги сарой корчалонларини ўз мавқеларидан сиқиб чиқара бошладилар.

Фрэнсис Кембридж коллежида уч йилча ўқиб, уни тарк этади. Ўн олти ёшли ўғлини бўлғуси давлат ишларига тайёрлаш ниятида отаси уни дипломатик топшириқлар билан Парижга жўнаётган Англия миссияси таркибига қўшади.

Дипломатик ишлар ёш Бэконнинг сиёсий қарашлари шаклланишида ёрдам берди. Кейинчалик у ана шу қарашлари натижасида "Оврупо аҳволи ҳақинда" мақоласини ёзди.

1579 йилда унинг отаси Николас Бэкон бандаликни бажо келтирди. Бу жудолик уни Англияга қайтишга мажбур этди. У оиладаги кенжа фарзанд сифатида арзимаган меросга эга бўлди. Ана шу арзимас мерос уни ўз келажаги учун жиддий қайғуришга мажбур этди. Бэкон дастлаб Грейс-Инн юридик корпорациясига кириб бир неча йиллар мобайнида юриспруденсия ва фалсафа билан жиддий шуғулланади. Таҳсил олиш жараёнида унда илм-фанда ҳар томонлама ислоҳотлар ўтказиш ҳақидаги ғоя туғилади. Кейинчалик у ўзининг фалсафий **битикларида ана шу ғоясини** амалга оширишга киришади.

1586 йилда Бэкон юридик корпорациянинг бошлиғи этиб сайланади. Грейс-Иннда ўзига янги уй қуради, бир қатор илмий-ҳуқуқий масалаларда трактатлар ёзади ва кенг кўламли суд амалиётлари билан шуғулланади. Ўша даврнинг таниқли драматургларидан бўлган Бен Жонс ўз хотираларида ҳуқуқшунос Бэконнинг суддаги чиқишларидан бирида қатиқ ҳаяжонга тушганини шундай таърифлайди: **"Ҳеч қачон, ҳеч ким бундайин ўта аниқлик билан сўзлолмаган эди. Унинг сиқиқ, салмоқдор жумлаларида бўшлиқнинг ўзи кўринмас, яна бу эҳтиросли сўзлар тизилмасида дабдабабозлик иллати мутлақо учрамасди. Нотиқ нутқининг ҳар бир қисми ўзига хос ва ўзига мос оҳангдорлик билан йўғрилганди. Залга йиғилганлар йўталиш уёкда турсин, киприк қоқишга ҳам андишаланиб, бирорта сўзни эшитолмай қолишларидан чўчиб, вужудлари қулоққа айланиб турардилар. У ўз фикрларини баён этар экан, суд ҳайъатини дам қовоқ уйиш, дам киприк қоқиш, дам жилмайишга мажбур этар ва уларнинг ихтиёрларини қўлига олиб, ўз қувваи ҳофизасига сел бўлиб ўтиришликка маҳкум этганди. Уларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этиб, эҳтиросларини унингдек жўштириш ўзга ҳеч бир зотнинг қўлидан келмасди".**

1597 йилда Бэконга жуда катта шуҳрат келтирган жамият аҳлоқи ва сиёсат мавзуидаги очерк ва эсселар тўплами нашрдан чиқади. **"Тажрибалар ва маслаҳатлар"** номи остида чоп этилган мазкур тўплам кейинчалик яна икки-уч марта қайта нашр этилади. Ўлимига бир йил қолганида Бэкон мазкур тўплами ҳақида фикр билдириб: **"Оллоҳнинг марҳамати ила менинг қаламим остидан чиққан ҳосиллар ичида энг мағзи тўқларининг мағзи тўқларидан бири эди бу битиклар"**, деб эътироф этади.

Стюартлар хонадонига мансуб бўлган Яков I салтанати даврида Бэкон учун янги имкониятлар дарвозаси очилади. Ўзига бино қўйган ва салоҳиятига ниҳоят даражада ишонган, ўзини абсолютизим назариётчиси санаган; қисмат, афсунгарлик, табок чекишнинг зараралари ҳақида қатор илмий мулоҳазаларини битикларга солган тахт соҳиби ҳали-ҳамон салтанат томонидан эътироф этилмаган Бэконга лутф кўрсатади ва мартабасини поғонама-поғона кўтаради. Қирол расман тахтга ўтирган куни рицар унвонини беради, келгуси йили қиролнинг ўтат адвокати, 1607 йилда эса генерал-солистор мартабаси, орадан тўрт йил ўтгач, тахтнинг бош адлия ишлари маслаҳатчиси бўлган генерал-атторнит мартабаларига кўтарилади. Бу йиллар мобайнида унинг фалсафий-адабий қарашлари ҳам юксалиб, такомилига ета бошлади. 1605 йилда Бэкон "Илоҳий ва дунёвий илмнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти" трактатини ёзиб, нашр этади. Бу ёзув кейинчалик оламшумул аҳамият касб этган, Оврупо маданияти, маърифатининг юксалишига ҳар тарафлама таъсир кўрсата олган ўзига хос миниатюралар шаклида ёзилган "Илмнинг улуғ қудрати" ва "Қадимгиларнинг донишмандлиги хусусинда" китобларининг дунёга келишида муҳим бир босқич вазифасини ўтаган. Ўша пайтларда Бэкон ўлимидан сўнг чоп этилган "Инсон интеллектуал оламининг тавсифи" ёзувига киришганини ҳам манбалар эътироф этади.

Бэкон шу йиллар мобайнида тахт томонидан судлар ва парламент ишида ўзининг ўткир фикрлари, ўтнафас лисони билан кўпларни ҳайратга солишда давом этади. 1614 йилда Яков I ўзига бўйсунишни истамаган парламентни тарқатиб юборади ва кейинги етти йил давомида у мамлакатни бу сиёсий институтсиз ёлғиз ўзи бошқаради. Бу йилларда Бэконга яна омад кулиб боқади. 1616 йилда у Махфий совет аъзоси, кейинги йили катта муҳр сақлагувчиси, 1618 йилда эса Англия мамлакатининг Бош лорд канцлери ва Пэри лавозимига тайинланади. Тахт соҳиби маълум муддатга Шотландияга кетганда унинг ишончига сазовор бўлган Бэкон мамлакат бошқарувини ўз қўлига олади. 1621 йили ёрдам маблағига муҳтож бўлган қирол яна парламентни қайта чақиришга мажбур бўлади. Унинг депутатлари давлат канцеляриясининг ишларини тафтиш қилиб, лордканцлерни порахўрликда айблайдилар ва парламент ҳамда халқ олдида жавоб бериш кераклиги ҳақидаги айблов хулосасини қўлига тутқазишади. Лордлар Бэконга қарши айбни қўллаб-қувватлайдилар ва у суд олдида жавобгарликка тортилди. У ҳақиқатан ҳам айбдор эканини тан олиб, ҳимоячидан воз кечади. Айблов бешафқат эди, лекин улар бу айбловни қирол юмшатишини ҳам билардилар. Бэконга 40 минг фунт жарима солинди, яна Тоуэрга қамашга ҳам қарор қилинди. Лекин икки кундан сўнг у тутқунликдан қутулиб, жаримадан ҳам озод этилди. Унинг давлат арбоби сифатидаги мансаб-даражотига путур етди. "Юксалиш баъзида тубан кетишга ҳам сабаб бўлади, ор-номус эса номуссизлик билан ҳам оёқости қилиниши бор. Юксак мартабада умргузаронлик қилиш осон эмас, лекин орқага қайтишга иложи ҳам йўқ. Фақатгина юзтубан йиқилганингда ёхуд узлатга чекинганингдагина бу ёқимсиз, жуда ёқимсиз воқеа содир этилади..." Бу сўзларнинг қанчалар ҳақиқат эканини муаллифнинг қисмати мисолида ҳам кўриш мумкин. Икки юксак шоншарафга эга бўлган бу улуғ инсон қўлида иккинчиси қолди, холос...

Умрининг сўнгги йилларини Бэкон илм ва ижодга бағишлайди. "Янги органон" фалсафий ёзувини тугатди. Бу унинг мўлжали бўйича "Илмнинг улуғ қудрати" китобининг иккинчи қисми бўлиши керак эди. Бу илмий рисолаларда инглиз қонунлари ҳақида сўз юритади. Бэкон яна Тюядорлар салтанати давридаги Англия тарихи билан боғлиқ асар устида ишлайди. 1623 йилда "Илм-фаннинг ўрни ва уни бойитиш йўллари" рисоласини ёзиб тугатади. Бу йиллар ичида Бэкон "Янги Атлантида" утопик романини ёза бошлайди ва бу иш якунига етмай қолади.

Аллома Фрэнсис Бэкон 1626 йилда Грейс-Инндаги Гайгете шаҳарчасида, граф Арондел уйида қишнинг узун кечаларидан бирида руҳий хотиржамлик ила ҳаётдан кўз юмади. Бўронли ва сермаҳсул бир ҳаёт йўлини босиб ўтган оламшумул давлат сиёсатдони ва ахлоқшунос алломасининг ҳаёт йўли ана шу тарзда поёнига етади.

Аммо бу ибратли жиҳатларга тўла бўлган ҳаёт йўлига шу пайтга қадар ҳеч ким бефарқ қаролмаган ва бефарқ қаролмаса керак. Зеро, ҳамма даврларда ва ҳар қачон жаҳоншумул шахсларнинг ибратомуз ҳаёт тарзлари дунё халқлари томонидан унутилмаган ва уларнинг ҳаётликларида қолдирган адабий-илмий меросларини орқали абадиятга муҳрлангандир...

Бэкон фалсафий қарашлари, сиёсий-илмий-адабий асарларининг ҳақиқий ҳаёти янги аср авлоди учун ҳам битмас-туганмас маънавий-маърифий озуқа беришига сира шубҳа йўқ.

Аббос САИД,
ёзувчи



Mutolaa

ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР МАЖМУАСИ

"Ҳаёт ва қонун" юридик журналининг навбатдаги сони босмадан чиқди.

Журналнинг мазкур сони Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг **"Ахборотлар асри"** деб номланган мақоласи билан бошланади. Унда жумладан, мамлакатимиз парламентининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида Президентимизнинг маърузасида таъкидлаб ўтилган устувор йўналишлардан бири — оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш билан бевосита боғлиқ долзарб масалалар ҳақида фикр-мулоҳаза юритилган.

"Ҳуқуқий маданият — тараққиёт шарти" деб номланган давра суҳбатида эса "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"ни амалга ошириш борасидаги ишлар кўлами чуқур таҳлил этилган. Мазкур дастурнинг мазмун-моҳияти, унинг жамиятда демократик тамойилларнинг қарор топишидаги аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари, ижроси, хусусан, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришдаги ўрни, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашнинг бугунги аҳволи билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилган.

Юридик фанлари докторлари М.Рустамбоев ва О.Оқюловларнинг "Тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимояси: муаммо ва ечим" сарлавҳали мақоласида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий тизим ҳолати таҳлил этилиб, ушбу тизимни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар баён этилган.

"Фалсафа ва қонун" рукни остида фалсафа фанлари доктори В.Алимасовнинг **"Ҳаётни идрок этиш фалсафаси"**, профессор И.Эргашевнинг **"Фалсафа ва қонун муштараклиги"** деб номланган мақолалари берилган. Мунозара тарзида ёзилган мазкур мақолаларни ўқир экансиз, фалсафа ва қонуннинг уйғунлиги, муштарак жиҳатлари, айни пайтда, уларнинг ўзига хос томонлари ҳақидаги тасаввурларингиз янада бойийди.

Юридик фанлари номзоди Ф.Мусаевнинг **"Уч таянч"**, тадқиқотчи А.Мусурмонованинг **"Қонуннинг қадриятга айланиши"**, тадқиқотчи Д.Матрасуловнинг **"Адлия тизими: қонун устуворлигини таъминлаш кафолати"** сарлавҳали мақолалари ҳам мазмунан ва моҳиятан ушбу мавзуни тўлдиради ва бойитади.

"Жаҳон тажрибаси" рукни остида **"Адвокатура тизими: Германияда, Францияда"** мақоласи билан танишар экансиз, ушбу мамлакатлардаги адвокатура тизимининг ўзига хос хусусиятларидан воқиф бўласиз.

"Ахлоқ, эътиқод ва қонун" рукни остида берилган **"Билимни буюк бил, уқувни улуғ"** деб номланган мақолада эса Юсуф Хос Ҳожибнинг **"Қутадғу билиг"** асарида давлат бошқаруви ҳамда шахс ахлоқи талқинлари масалалари атрофлича таҳлил этилган.

Умуман айтганда, журналнинг мазкур сонида чоп этилган бошқа бир қатор мақолалар моҳият-эътибори билан ҳуқуқий тафаккурни яна бойитишга хизмат қилади, дейиш мумкин.



Ушбу сондаги суратлар муаллифи А. ЖУМАЕВ

Isnod

ТАЪМА ҚУРБОНИ

Инсон нафс балосининг измига кирса, инон-ихтиёрини қўлдан бериб қўйса, киши ҳатто тасаввурга сиғдиролмайдиган кўчага қиради. Бунга ҳаётдан кўп мисоллар келтириш мумкин. Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг пост патрул хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлими батальони 3-отряди милиционерлари Муҳаммаджон Темирхўжаев ва Абдурасул Мансуров туппа-тузук ишлаб юришган эди. Лекин кутилмаганда нима жин урди-ю, уларнинг ўзи порахўр чиқиб қолишди.

Аслида воқеа бундай бўлган эди. Улар Андижон шаҳрининг марказий деҳқон бозори ҳудудида ноқонуний равишда ўсимлик ёғи сотаётган фуқаро Рисолат Умарованинг иккита идишдаги 40 килограмм пахта ёғини олиб қўйишади.

— Бу ерда оқ ёғ сотиш мумкин эмас. Энди кўлга тушдингиз, ёғни олиб қўямиз, мусодара қиламиз, ўзингизни жавобгарликка тортамиз, — дейишди улар аёлга дағдаға қилиб.

Бу ёғини сўрасангиз, уларнинг талаби қонуний ва тўғри эди. Бозор ҳудудида муқим дўконлардан ташқарида ўсимлик ёғи сотиш мумкин эмас. Лекин жамоат тартиби посбонлари ҳеч қандай процессуал расмийлаштиришмасдан, аввал бозор атрофидаги "Абдулазиз" ошхонасига идишдаги ёғларни олиб кириб, вақтинча бекитиб қўйишди. Кейин бозор ичидаги "Марҳабо" ошхонасига олиб кириб, ошпаз Р. Тожиматовга ҳеч қандай ҳужжатсиз сақлаб туришни айтиб қолдиришган.

Орадан кўп ўтмай милиционер Абдурасул Мансуровнинг маҳалласида яшовчи Х. Маҳмудхоновнинг "Жигули" автомашинасида икки идишдаги пахта ёғини шаҳарнинг Саноат кўчасидаги 156-уйга жўнатиб юборишди.

Шундан сўнг М. Темирхўжаев ва А. Мансуров мансабдор шахс бўлганлари ҳолда гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктирганча Рисолат Умаровани милиция таянч пунктига олиб кириб, 30 минг сўм пул пора сифатида таъма қилишган. Албатта, улар бунинг эвазига ёрдам беришга ваъда беришган.

Аммо Рисолат Умарова моддий жиҳатдан қийин аҳволда бўлган. Унинг чўнтагида бор-йўғи 2 минг сўм пули бор эди. Аммо у чорночор қолгач, ўзи билан бирга бозорда савдо қиладиган Матлуба исмли аёлдан 10 минг сўм қарз олади ва жами 12 минг сўм пул таклиф қилиб, ёғини қайтиб беришни сўрайди.

— Ўттиз минг сўмдан камига бўлмайди, — дейди Муҳаммаджон Темирхўжаев.

— Ҳеч иложим йўқ, 20 минг сўм қилиб берайин, ёғимни қайтариб беринглар, — дейди аёл ялинган кўйи.

Милиция ходимлари инсофга келишдими, ҳайтовур, 20 минг сўмга рози бўлишди. Аммо бечора аёлнинг бунча пули йўқ эди. У шунча пулни қаёқдан топишни билмай боши қотди. Охири нима қилишини билмай, тегишли идораларга мурожаат қилди.

Орадан кўп ўтмай, у 20 минг сўм пулни олиб келиб, милиция ходимлари қўлига топширди. Муҳаммаджон Темирхўжаев пулларни шошилмасдан санаб олди. Ахир, кўчадан топиб олсанг ҳам, санаб ол деб бежиз айтишмган. Тўғри, роппа-роса 20 минг сўм экан. Э, барибир озда!.. Ахир, еб тўймаган, ялаб тўярмиди?!.

— Яна икки "бакалашка" ёғдан ташлаб кетасиз, опажон, — дейишди улар. Аёл шунга ҳам рози бўлди. Иккита "бакалашка"да оқ ёғни қуйиб, уларга берди.

Айни шу пайтда МХХнинг тезкор гуруҳи порахўр милиция ходимларини жиноят устида қўлга туширди. Махсус ишлов берилган пулларда "пора" сўзлари ёзилган эди.

Албатта, белгиланган тартиб-қоидага риоя қилмай, рухсат этилмаган жойда ўсимлик ёғи билан савдо қилаётган Р. Умаровани ҳеч ким оқламайди. Лекин қонун посбонлари тартиббузарни қўлга туширишганда, нега тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга шошилишмади? Чунки пора олиш асл мақсад бўлган.

Албатта, порахўрлар тегишли қонуний жазоларини олишди.

Бу-ку, бор гап. Аммо кишини ўйлантирадиган жиҳати ҳаётдаги ана шундай иллатларга қарши курашиши лозим бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларнинг ўзи жиноятга қўл уришидир.

Ўйлаймизки, бу воқеа кўпчиликка сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Масариддин ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос

Наманган вилоят адлия бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиги Элёр Иноятовга опаси
Мурғубахон ИНОЯТОВАнинг
бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси агентликнинг масъул ходими Ўктам Ҳайдаваловга онаси
Бибисора АҲМЕДОВАнинг
вафот этганлиги муносаби билан таъзия изҳор этади.

Qilmish-qidirmish

ЖИНОЯТЧИЛАР ШЕРИГИ ЭСМЕРАЛЬДАМИ?

Суд дастлабки жиноятни содир қилганида Ҳасанбойга мурувват кўрсатган эди. Гарчи айби оғир эса-да, қайта жазо қўлламади: атиги 2 йил ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди, холос.

Эс-хушли киши ҳаётда бир марта адашади ва бундан минг бора пушаймон еб, тегишли хулоса чиқариб олади. Бошқача айтганда, бошига қилич келса-да, қинғирликка такрор қўл урмайди. Бу фаҳм-фаросатли, иймон-эътиқодли кишиларга хос фазилат.

Аммо ҳаётда кўп марта қоқилса-да, ундан тўғри хулоса чиқармайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Ҳали ўттиз ёшни ҳам қораламаган ҳазорасплик Ҳасан Қутлимуродовнинг гарданига бир йилда икки марта судланганлик "ёрлиғи" илинадиган, бунинг устига жазонинг ҳам оғири ортиладиган бўлди. Тўғри-да, қилмиши пушаймоникка етакламаган, мўътабар қонунни такрор топтаган кимсадан ниманиям умид қилиш мумкин? Ҳасанбой ўзининг дастлабки жиноятини 2002 йилнинг март ойида содир қилди. Киссавурлик қилиб, қўлга тушди. Суд унинг бу хатти-ҳаракатини Жиноят Кодексининг 169-моддаси 2-қисми билан баҳолади ва баён этилган жазони тайинлади. У жиноятни биринчи марта якка ўзи содир этди ва бир умрлик ҳаётий сабоққа арзийдиган машъум воқеани бошидан ўтказди. Йўқ, у бундай қилолмади. Ҳаминқадар ақлию, фаҳми панд берди. Дастлабки жиноятдан сўнг орадан ярим йил ўтмаёқ яна қинғирлик кўчасига кирди. Бу гал у йирикроқ "ўлжа"ни кўзлади. Тағин денг, якка ўзи эмас, укаси Омонбой Қутлимуродов ва таниши Даврон Аҳмедов билан тил бириктирди. Аниқроғи, уларни бу йўлга Ҳасанбой бошлади. Ана шу қинғирлик оқибатида қўшни Руқия Авазованинг бозордан эндигина 25 минг сўмга сотиб олинган кўчқори ўғирлаб кетилди. Ҳамтовоқлар ўлжа молни Даврон Аҳмедовнинг уйида сўйиб, базми-жамшид уюштиришди. Аммо ҳазми буюрмади. Ҳаром луқма томоқни "тешди". Қинғирликнинг изи тезда очилди. Уч оғайни "ботир"лар жиноят содир этилган куниёқ қўлга олинди.

Жиноят тафсилоти судда яна ҳам ойдинлашди. Маълум бўлишича, ўғирликнинг содир этилишига "Эсмеральда" фильми қўмаклашиб юборибди. Ўғригина болалар жиноятни Ҳазорасп туманидаги "Хоразм" ширкат хўжалигининг 15-бўлимида яшовчи қўшниси Р. Авазова "Эсмеральда"нинг томошасига ғоятда берилган пайти хамирдан қил суғургандек силлиққина амалга оширишибди.

"Эсмеральда" нияти бузуқ кимсаларнинг жирканч ўғирликни содир этишга-ку, "кўмаклашибди". Аммо уларни муқаррар жазодан асло асраб қола олмади.

Суд «ўрганган кўнгли ўртанса қўймаган» Ҳасан Қутлимуродовга нисбатан бу гал оғирроқ жазо чорасини қўллади. Энди у маълум муддат ўғирлик содир этилмайдиган олис манзилгоҳда умргузаронлик қилади. Қилмишнинг қидирмиши Ҳасанбойнинг шериклари — укаси О. Қутлимуродов ва ҳамсояси Д. Аҳмедовларни ҳам четлаб ўтмади. Улар ҳам қилмишларига яраша муносиб жазо олишди.

Қинғирлик ҳеч маҳал беиз кетмайди. Ҳалол киши ошини, қинғир киши бошини ейиши тайин. Буни ҳазорасплик ўғригина болаларнинг кўргилиги ҳам яққол кўрсатади.

Зафарбек ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Боғот тумани

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Сайфиддин РАҲИМОВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
Холли НОРБОЙ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.30

Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Компьютер операторлари: М. АБДУЛЛАЕВА, Д. ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.